Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
35 сон
31 август—6 сентябр 2006 йил

# 1 СЕНТЯБР—МУСТАҚИЛЛИК КУНИ!

Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги ҳақида ўйлар эканман, "Ўн беш кунда ой тўлади", "ўн беш кунлик ойдек", каби ибораларга ҳаёлимдан ўтади. Бугун юртимизнинг жамолини ўн беш кунлик тўлин ойга ўхшатгим келади. Назаримда биз қоронғу ўрмондан тўсатдан ёруғликка чиққандекмиз. Ёки бўғиқ ҳаводан чиқиб, мусаффо бир ҳаводан нафас олаётгандекмиз. Бугунги ҳолатимиз билан ўн беш йил олдинги аҳволнинг жуда катта фарқи бор.

Мен ўзимнинг ҳаётимга назар

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон Халқ шоири**

## ЎН БЕШ КУНЛИК ТЎЛИН ОЙДЕК

ташлайман-да. Илгари китоб чиқариш учун забардаст адибларимиз ҳам йиллаб навбатда туришарди. Ҳозир бу борада ҳеч қанақа муаммо йўқ. Қайси бир соҳага қарамайлик, имкониятлар жуда кенг. Лекин биз янгиликларга тез кўникувчан жонзот эканмиз. Бугун бу шароитлар табиийдек туюлаётган бўлиши ҳам мумкин. Аслида бунинг замирида мустақиллик деган тушунча ётади.

Тарих учун қисқа ўн беш йил ичида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Энг муҳими инсонларнинг онги ўзгарди. Маълум бир оломоннинг қарашларини ўзгартириш жуда қийин, бунга даҳолар эришиши мумкин. Лекин бизнинг Президентимиз бутун бир миллатнинг тафаккурини, мафкурасини ўзгартира олди. Ҳозир айни тезкор палла, Президентимизнинг гапи билан айтганда, белбоғни маҳкам тортадиган вақт келди. Муҳими биз ўзлигимизни кашф этиб, намоён қилиб бўлдик. Энди буёғи осон кечади. Асосийси, миллийликни сақлаб қолиш керак. Биз бировнинг кийимини киймаймиз, чунки ўзимизни кийимимиз бор, бировнинг кемасига чиқмаймиз, чунки ўз танлаган йўлимиз бор. Биздек жабр кўрган халқ йўқ. Энди бу халқнинг оёққа маҳкам туришига ишонаман.

Мустақилликнинг мустаҳкамлигида оиланинг аҳамияти катта. Шу ўринда халқимизнинг энг севимли газеталаридан бири бўлган "Оила ва жамият" ҳақида гапирсам. Бу газетани ҳам нашр этилганига бу йил 15 йил тўлибди. Демоқчи бўлганим, мустақилликнинг илк дамлариданоқ юртбошимизнинг оилаларга бўлган эътиборини мана шу газета ўз саҳифаларида акс эттириб келмоқда. Чунки юртнинг келажаги оилалардаги соғлом муҳитга боғлиқ. Ниятим, ҳар бир оилада миллатимизнинг фахри бўладиган фарзандлар улғайсин.

Кексаларимиз дуога қўл очар эканлар: "Шу кунларга етказганингга шукр!" дейишади. Дарҳақиқат, бугун барчамиз кўнглимизда тоғдек ифтихор, ғурур билан мустақиллик кунларининг шукронасини айтиб ўтирибмиз. Ахир, жаҳон саҳнидаги манаман деган давлатлар олдида ҳам эсанкирамай ўз сўзини дадил айтаётган, геосиёсий масалалар, дунёни ларзага солиб турган муаммолар юзасидан ўз позициясига эга бўлган ва ана шу позицияни қатъий туриб ҳимоя қила оладиган, мустақил давлатда яшаётганингга шукр қилмай бўладими?!

Бир вақтлар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган аграр республика сифатида қараб келинган Ўзбекистон оз фурсат ичида автомобилсозлик ривожланган давлатлар сафидан жой олди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий "Ласетти", "Нексия", "Матиз", "Дамас" енгил автомашиналари, "ЎзОтайўл"нинг автобус ва юк автомобиллари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топиб улгурди.

Бугун еримизда етиштирилган буғдойдан, ўз унимиздан ёпилган беминнат нонимиз, ўзимизга етиб ортулик нефтимиз, газимиз, яна қанчадан қанча ер усти ва ер ости бойликларимиз бор.

Тарихий қадриятларнинг тикланиши, маънавий-маърифий, ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар, янгиланишлар ҳақида ҳар биримиз тўлқинланиб гапиришга ҳақлимиз. Меъморий обидалари, жаҳон тарихидаги ўрни билан донг таратган Самарқанд, Хива, Қарши сингари кўҳна шаҳарларимизнинг юбилейлари кенг кўламда нишонланмоқда. Бугун юртдошларимиз дилда шукрона билан диний маросимларни эмин-эркин адо этишмоқда. Ҳар йили минглаб ўзбекистонлик мусулмонлар ҳаж амалини адо этиб қайтишмоқда.

Ўзбекистонимизга ҳеч иккиланмай "улкан қурилишлар мамлакати", деб таъриф берсак бўлади. Йирик саноат корхоналари, равон йўллар, кўприклар, шифохоналар, уй-жойлар, маиший хизмат объектлари нафақат йирик шаҳарларимиз, балки чекка туман ва қишлоқлар чиройини очиб юбормоқда. Замонавий талаблар асосида қурилган коллежлар, умумтаълим мактаблари, уларнинг жиҳозланиши кўзни қувонтиради.

**Истиқлолимизнинг 15 йиллик шодиёналари арафасида Президент Ислом Каримов Фармони билан ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари учун 5 нафар юртдошимизга "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвон берилди. Яна юзлаб ватандошларимиз давлатимизнинг турли унвонлари ҳамда орден ва медаллари билан тақдирландилар.** Биз уларнинг барчасини ана шу юксак мукофотлар билан самимий қутлаймиз.

Мамлакатимизда кечаётган улкан ўзгаришларга, айниқса, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кучайтириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш каби йўналишлардаги ижобий ишларга истиқлолимиз тенгдоши - ўзининг 15 ёшини нишонлаётган "Оила ва жамият" газетаси ҳам камарбаста эканлиги, дилларимизни фахрга тўлдиради.

**Энг улуғ, энг азиз байрам - Мустақиллик куни барчамизга муборак бўлсин! Дилларимизни мана шундай дориломон кунларнинг шукронаси ҳеч қачон тарк этмасин, азизлар!**

## ВАТАН КЎНГИЛДАДИР

*Қайда жон топсанг, абад жонинг анда,*
*Тўрғай даштда куйлар, булбул - чаманда.*
*Мен сенингман, сен менинг руҳу танда,*
*Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.*

*Гўдакларнинг сабий кулгусида сен,*
*Ўсмирларнинг ширин уйқусида сен,*
*Йигитларнинг уйғоқ туйғусида сен,*
*Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.*

*Дарёлар мавжида кўрганман сени,*
*Ўланлар авжида кўрганман сени,*
*Юраклар ганжида кўрганман сени,*
*Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.*

*Сулув келинларнинг бешигида сен,*
*Исириқ осилган эшигида сен,*
*Турналарнинг олис қўшиғида сен,*
*Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.*

*Сен учун ошиқиб, тошар жилғалар,*
*Сенинг дийдорингга шошар жилғалар,*
*Гулзорингга гуллар қўшар жилғалар,*
*Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.*

*Нигоҳлар, қарашлар, қароқлардасан,*
*Ҳокларда, тошларда, тупроқлардасан,*
*Деҳқон кафтидаги қадоқлардасан,*
*Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.*

*Мангу озод бўлгин, мангу обод бўл,*
*Шонинг кўтарганга куч бўл, қанот бўл!*
*Асл ўғлонларга қасам бўл, онт бўл:*
*Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда!*

# ЗАБОНИМГА СЎЗ БЕРДИ!

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганда эндигина 10 ёшга қадам қўйган эдим. Аям Марҳабохон опа маданият саройида ишлардилар. Мен ҳам уларга эргашиб саройга бориб юрардим. Отабек акам билан қўшиқ айтиб юрардик ўзимизча. Кичкина санъат дунёмиз бор эди. У пайтда: "Санъаткор ўз йўлини топгунча синиб кетиши ҳеч гапмас" дейишарди. Мен ҳам "кўзга кўринган ашулачи" бўлишни орзу қилардиму, Тошкентларда қўшиқ айтишни тасаввуримга сиғдиролмасдим...

Қўшиқларимни 3 та альбом қилиб, мухлислар эътиборига ҳавола этдим. Ҳукуматимиз иқтидорли ёшлар қаторида менинг ҳам камтарона санъатимни "Ниҳол" мукофотига муносиб кўрди. Юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида эса президентимизнинг фармонлари билан менга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист" унвони берилди. Элимизнинг катта йиғину, айёмларида менга ҳам навбат берилаётганидан бошим осмонда. Уларга садоқат билан хизмат қилишга бел боғлаганман. Буюк Мустақиллик даврига муқаддас айём барчамизга муборак бўлсин! Биз ёшларни иззат қилиб, имкон берган юртбошимизга қуллуқ!

**Гулсанам МАМАЗОИТОВА,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.**

# ШУ КУНЛАРГА ШУКР!

"Аёзқалъа" сайёҳлик фирмасини турмуш ўртоғим Зокир ака билан ташкил қилдик. У ерда 10 та ўтов қурдириб, миллий жиҳозлар билан безатдик. 5 та туя сотиб олиб, сайёҳлар хизматига бердик. Бу ерга ташриф буюрувчилар (хоҳ чет эллик бўлсин, хоҳ ўзбекистонлик) учун шароитни муҳайё қилдик. 2005 йил бизга грант асосида ЮНЕСКО томонидан қуёш батареяси (сувни тозалаб, чучуклаштириб берувчи фильтр) берилди. "Аёзқалъа" яқинидаги кўлда меҳмонларнинг сайр қилишлари учун қайиқлар ясатдик. 1 та микроавтобусни уларнинг хизматига ҳозиру нозир қилдик.

Истиқлол биз - аёлларнинг орзуларига йўл очди. Тадбиркорликка катта имконият берилди.

Мамлакатимизнинг қадимий тарихи, обидаларини дунёга кўз-кўз қилишни жуда истардим. Мазкур туманда олис тарихимиз илдизларига туташ юзлаб қалъаларнинг бугунги кўриниши сақланиб қолган. Ўтмишимиздан бебаҳо маълумотлар берувчи бу қалъаларга боқиб, Эллиққалъани ҳам осмон остидаги очиқ музей дейиш мумкин.

Эзгу ниятимиз - қалъаларимизнинг таърифи дунёга ёйилсин.

**Дилбархон КАРИМБЕРДИЕВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа тумани.**

Бу мўъжизадан барчани хабардор қилиш учун 1998 йил

# ЮРТ БИР УММОНДИР

маҳаллада чироқ симлари тортиш учун қилган саъй-ҳаракатлари, Аброр отанинг маҳаллага алоқа телефонлари ва зангори олов қувурлари келтирганлари шундоққина ёдимизда. Абдувоҳоб ота кўчамизга ариқ сувини олиб келиш учун ўша пайтдаги маҳаллий ҳукумат вакиллари билан олиб борган "жанг"лари бугун ҳаммамизга ўрнак. Ҳа, ариқларни эслаганда Абдуазиз отани эсламай бўларканми? Ҳа, бугун давом этаётган ҳашарлар аслида ўз қадриятларимиз, кун тартибимизга айланган урфлардир. Ишни бирга қилардик. Ошни ҳам бирга ердик. Раҳматли Одил ота тонг саҳарда эшикларни тақиллатиб ошга чақирардилар.

Маҳалламизда 2600 фуқаро истиқомат қилади. Куни кеча яна бир хайрли ишда-умумхалқ ҳашарида кўлни-кўлга бериб, бир жону-бир тан каби қатнашдик.

Ҳа, буни ҳақиқий меҳнат симфонияси деса арзийди. Аслида меҳнатимиз шу кунларга етганимиз, шундай обод ва озод юртнинг фуқароси бўлганимиз шукронаси эди. Биз бу кунга етишимиз учун жонларини, умрларини фидо қилган инсонларни эсладик.

Шаҳобиддин отанинг кўчамизга тош ётқизиш учун елиб-югурганлари, Баҳром отанинг

Бугун маҳалламизда ўша анъаналар ҳукмрон. Юрт бир уммон бўлса, маҳалламиз томчидир. Юртимиздаги ривожланиш, тараққиёт маҳалламиз фаолиятида акс этар экан, барчага энг улуғ, энг азиз байрамингиз, истиқлолингиз муборак бўлсин деймиз.

**Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,**
**Тошкент шаҳри,**
**"Чимбой" маҳалла фаоли.**

# БОШ ОМОН БЎЛСИН!

"Соғлом авлод учун" жамғармаси мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳар томонлама соғлом фарзандларни камол топтириш, кам таъминланган, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари соғлиғини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида тузилган эди. Жамғармамизнинг хорижий ҳамкорлари - Америка, Германия, Финландия давлатларидаги Халқаро хайрия ташкилотлари томонидан юборилган мурувват ёрдамлари (дори-дармон, тиббий ускуналар, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқалар) меҳрибонлик, мурувват ва саховат уйлари, махсус мактаб-интернатлари, тиббий муассасалар ва кам таъминланган оилаларга тарқатилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг тиббий-ижтимоий патронаж тизимини яратишга эътибор қаратилган эди. Дастур асосида ҳар бир вилоятга биттадан замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган "Мерседес-Бенс" автоамбуланси келтирилди. Тиббий-патронаж хизматининг малакали шифокорлардан иборат аъзолари чекка туманларга бориб, зарурий тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Бундан ташқари жамғарма бемор ва ногирон болалар ўртасида ўтказиладиган маданий, маърифий спорт мусобақалари, фестивалларга, кўрик-танловларга ҳомийлик қилади. Германиянинг "Фриеденсдорф Интернейшнл" Халқаро хайрия ташкилоти билан тузилган шартномага асосан ўзбекистонлик ногирон болалар Германиянинг

нуфузли клиникаларига юборилиб даволатилаяпти. Айтаверсак, 15 йил ичида амалга оширилган қувончли воқеалар бисёр. Буларнинг барчаси мустақиллигимиз туфайлидир.

**Дилбар ОЛИМЖОНОВА,**
**"Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси ижрочи директори.**

# ҚИЛПИРАЙВЕР, ЮРТ БАЙРОҒИ!

Опа-сингилларимиз, дугоналаримизни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш мақсадида мана икки йилдирки, республика хотин-қизлар спартакиадаси ўтказиб келинмоқда. Аёлларга кўпроқ мос келадиган бадиий гимнастика, сув спорти, шахмат, шашка каби спорт турлари билан бугунги кунда диёримизнинг чекка туман ва қишлоқларида ҳам кўплаб қизлар шуғулланишмоқда.

Мен ҳам айнан истиқлол боис, президентимизнинг оталарча ғамхўрликлари туфайли шахматчи сифатида ўз иқтидоримни намоён этиш имкониятига эга бўлдим. Бугунгача ёшлар ўртасида 9 карра Ўзбекистон чемпионлигини, жаҳон биринчилигида бронза, Осиё биринчилигида эса кумуш ва бронза медалларини, 2005 ва 2006 йилларда ўтказилган Халқаро аёллар шахмат фестивалларини, яна бир қатор халқаро мусобақалар ғолиблигини қўлга киритдим. 2004 йилда - 15 ёшимда ФИДЕ спорт устаси деган шарафли номга сазовор бўлдим. Мана шу меҳнатларим қадрланиб, 2005 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Мен президентимизни ва бутун халқимизни ишонтириб айтаманки, биз спортчилар бундан кейин ҳам ўз ғалабаларимиз билан мустақил диёримиз довруғини дунёга достон қилаверамиз. Бу келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги эзгу ишларга бизнинг ҳиссамиз бўлади.

**Юлдуз ҲАМРОҚУЛОВА.**



# ФАХР

Она юртим! Бугун сенинг 15 йиллик тўйингни нишонламоқдамиз. Шундай қувончли кунларда мустақил бўлганимизга шукр, дейман ич-ичимдан. Мустақиллик туфайли мен элга танилдим, қадр топдим. Санъатимни дунёга намоён қилдим. Париж, Эрон, Малайзия, Япония,қўйингки, дунёнинг энг катта давлатларида кўргазмалар ўтказдим. Ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий мажмуалари, Амир Темур музейи, Хотира майдони, Шаҳидлар ҳиёбонини бунёд қилишда иштирок этдим. Куни кеча Миллий боғдаги кошонани ҳам битказдик. Мана шу меҳнатларим учун муҳтарам юртбошимиз менга «Ўзбекистон Халқ устаси» унвонини берди. Қани айтинг, фахрланмай бўладими! Ҳали кўп йиллар ота-боболарим услуби бўйича ишлаб миллий санъатимизни намоён қилиб, ватанга хизмат қилиш ниятим бор.

**Ҳасан ОДИЛОВ,**
**Ўзбекистон Халқ устаси.**

# УЛУҒ АЙЁМ ШУКУҲИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Сирдарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда вилоятнинг Сардоба туманида "Мустақиллик - аёл тақдирида" форумини ўтказди.

Туман спорт мажмуасида боғча тарбияланувчилари ўртасида "Омад" кубоги спартакиадаси ўтказилди. Тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланаётган аёлларнинг кўргазмалари, деҳқончилик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил қилинди. Форумда юзлаб хотин-қизлар, ёшлар, отахон ва онахонлар иштирок этдилар. Сенатор, Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Инамова Сардоба тумани аҳлини Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги билан самимий табриклаб, ҳар соҳада илғор аёлларга эсдалик совғалари топширди. Вилоятдаги ижодий гуруҳлар, ҳаваскор жамоалар, бадиий гимнастикачилар ва таэквандочиларнинг чиқишлари форумга ўзгача шукуҳ бағишлади.

* * *

Шу куни Сирдарё тумани ҳокимлиги мажлислар залида вилоят маҳаллаларидаги диний-маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда хонадон ҳамширалари иштирокида семинар йиғилиши ҳам бўлди. Семинарда маслаҳатчилар учун зарур кўрсатмалар ва тушунчалар берилди. Оила дафтари юритилиши, хонадон ҳамширалари ниматаралари эътибор беришлари кераклиги кенг тушунтирилди.

**Ҳанифа ЗОКИРОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси "Ахборот-матбуот маркази" раҳбари**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси республика "Тадбиркор аёл" уюшмаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар колониясида мустақилликнинг 15 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказди.

Аёллар ўртасида бичиш-тикиш, гўзаллик танловлари ўтказилиб, унинг ғолиблари тадбир давомида тақдирландилар. Муассасадаги мактаб ва болалар боғчаси тарбияланувчиларига эса совғалар топширилди. Қўмита томонидан ташкил этилган спорт мусобақаси финал босқичи ғолиблари ҳам ушбу тадбир давомида тақдирландилар.

Тадбирда Сенатор, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Инамова иштирок этди ва аёллар шаънига ўз дил сўзларини изҳор қилди.

Аёллар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, рақслар, шоира Фарида Афрўз ўқиган шеърлар тадбирга файз бағишлади.

* * *

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида "Мустақиллик - олий саодат" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирга Тошкент вилоятидан энг фаол, мустақиллик йилларида ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланган хотин-қизлар таклиф этилдилар.

Қўмита ахборот маркази раҳбари Ханифа Зокирова мустақилликни мустаҳкамлашда аёллар қўшаётган улкан ютуқлар ҳақида гапирди. Сўзга чиққанлар юртимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромдан миннатдор эканликларини изҳор этишди.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида фахрий спортчи аёлларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Тадбирга спорт соҳасида юксак натижаларга эришган, бугунги кунда малакали кадрлар тайёрлашда, ёш авлодга спорт сирларини мукаммал ўргатишда фидойилик қилаётган спорт фахрийлари таклиф этилдилар.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Инамова аёллар спортини оммалаштиришда қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар, юртимиз аёлларининг спорт соҳасида қўлга киритаётган оламшумул ғалабалари, оилавий спортни ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ютуқлар ҳақида гапирди ҳамда фахрийларга эсдалик совғалари топширди.

**Феруза ОРИПОВА.**

# ИЛҲОМ, ИЖОД ЁР БЎЛСИН!

Газетамизнинг 15 йиллиги муносабати билан эълон қилинган "Оила ва жамият" менинг ҳаётимда" танловига жами 100 га яқин хат келди. Шу кунгача уларнинг каттагина қисми газета саҳифаларида чоп этилди. Қолганлари ҳам навбати билан эълон қилинади. Энди бевосита танлов якунларига тўхталадиган бўлсак, таҳрир ҳайъатининг фикрига кўра, 1-ўринга Тошкент давлат педагогика университети тарих факультети талабаси Зебунисо Ғаффорова муносиб топилди. У "Оила ва жамият"га 2007 йил учун бир йиллик бепул обуна ва таҳририятнинг эсдалик совғаси билан тақдирланади. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманидаги "Шўрахон" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида истиқомат қилувчи Турдибой Куздибоев ҳамда Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидан Ғайбулла Абдуллаевларнинг мақолалари 2-ўринга, Андижон вилояти Балиқчи туманидаги иқтисодиёт коллежи кутубхоначиси Муяссархон Юсупова ҳамда тошкентлик Зулфия Самадовалар эса 3-ўринга лойиқ топилишди. Улар ҳам "Оила ва жамият" газетасига 2007 йил учун 6 ойлик бепул обуна ва таҳририятнинг эсдалик совғаси билан мукофотланадилар. Мазкур танловга мақола жўнатган қолган барча мухлисларимиз эса таҳририятнинг эсдалик совғаларини олишади.

Газетамизга 2006 йил учун обуна бўлган мухлислар ўртасида эълон қилинган танловга ҳам 20 дан зиёд обуна купонлари келиб тушди. Қуръа ташлаш йўли билан ана шу танлов ғолиби ҳам аниқланди. Самарқанд вилояти, Булунғур шаҳри, Чўлпон кўчасида истиқомат қилувчи Саттаров Жамолитдинга 2007 йил учун бепул обуна ва эсдалик совға насиб этди.

Биз "Оила ва жамият"ни ўқиб бораётган, бизга мактуб йўллаётган, ўз ижод намуналари билан фаол қатнашиб турган барча мухлисларимизга миннатдорчилик билдирарканмиз, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, омад ва яхшиликлар ёр бўлишини чин дилдан тилаб қоламиз.

**Дармон ИБРОҲИМОВ**

Оила ва жамият менинг ҳаётимда 15 йил

## ...Бахтли яшаб турган дим. Амалдорнинг хотини эдим. Истаганимни олиб киярдим, тақинчоқларимнинг ҳам ҳисоби йўқ. Кунларимиз меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш билан ўтарди. Дипломим бўлса-да, уйда ўтиришдан бошқа ишим йўқ эди.

Ана шу ҳаётим қутилмаганда, тўсатдан барбод бўлди. Эрим боғчага боламни олиб боришимга, олиб келишимга сира йўл қўймасди. Мен бўлсам баъзан уйда ўтириб зерикардим. Бир куни қизимни соғиниб кетганим учун уни вақтли олмоқчи бўлиб, боғчага ўзим бордим. Дарвозадан кириб бораётсам, қалин арчаларнинг ёнида эрим турибди. Ёнида қизимнинг боғча опаси... Эрим унинг елкасига қўлини қўйиб олганди. Улар ширин суҳбатлашиб туришгани учун атрофга эътибор ҳам беришмасди. Юрагимга ғулғула тушди.

Анчадан буён эримнинг рафторида, ранги-рўйида бир нималарни сезгандай бўлардиму «гумон иймондан айиради»,-деб нохуш гаплардан атайлаб ўзимни олиб қочардим. Мана, энди кўзим билан кўрдим. Аммо яна ўзимни мардона тутдим. Ҳеч нарса бўлмагандек жилмайиб уларнинг олдига бориб сўрашдим. Эримга қизимни барвақтроқ олиш учун келганимни айтдим.

Ўша куни уйга боргач зарур нарсаларимни йиғдим-да, эримга:

- Мен билан баҳона топиб жанжал қилишга шошилманг. Мана калит. Севгимни, ишончимни топтаган одамни кечирармидим? Ҳеч қачон! - дедим-да қизимни етаклаб чиқдим-кетдим. Бир аҳволда ота уйимга келдим. Отам шу заҳотиёқ менинг аҳволимни тушунди. Кеннойиларим заҳарли пичинг қилишди.

- Ниҳоят эшитибсиз-да? Қайси хонани бўшатиб берайлик сизга? - дейишди.

Эрталаб отам бу ҳовлида яшашим мумкин эмаслигини тушуниб, бир танишининг уйини сўраб кўргани кетди. Менга бу ерда кун йўқ эди. Хайрият, отам ижара уй топиб келди. Рўзғор учун керак нарсалар, кўрпа-ёстиқларимни олиб, тоғнинг остидаги харобагина ҳовличага туширдик. Юкларни туширib бўлгач, уйнинг ичини кўрмоқчи бўлиб, эшикни очишим билан оёғимнинг остидан катта каламуш югуриб ўтиб кетди. Ичкари хонадаги чакка ўтишдан ҳосил бўлган бир уюм тупроқнинг устида каттагина чипор илон кулча бўлиб ётарди. Эшикнинг ғичирлашидан кейин эринибгина бошини кўтарди-да, тахмон остидаги тешикка кириб ғойиб бўлди. Кўрганларимдан даҳшатга тушиб ҳовлига чиқиб йиғладим. Отам аҳволимни кўриб:

- Эринг билан яраш десам кўнмайсан! Унинг оёқ олиши ўзгариб, ўзга бир аёл билан учрашаётганини менга ҳам айтишганди. Сенинг қийналишингни истамайман. Аммо энди сенга ҳам осон бўлмайди. Шу уйни амаллаб тузатгириб бераман, кейин ўзинг аравангни тортиб кетарсан, - деди.

Эртасига қизимни боғчага жойлаштирдим. Кейин иш излай бошладим. Сут заводига ҳисобчи бўлиб жойлашдим. Шу орада уйнинг эгаси ҳовлисини сотиш тараддудига тушиб қолди. Акаларимдан ёрдам бўлмади. Отам билан қарзҳавола қилиб уйнинг пулини бердик. Отам пенсиясини олган куни жилмайиб қўлимга битта қоғозча берди.

- Мана бу газетани сенга бир йиллик обуна қилиб келдим, ўқиб кўнглингга таскин топарсан, - деди.

Пенсиясидан қолган пулига анча-мунча шифер оилиб, иккита кишини бошлаб келди бечора отам. Кечгача боғ, ҳовли атрофини ўрашди. Сўнг ахлатларни олиб чиқиб ташлаб келишди. Ҳамма ишлар тугаб, ишчилар кетгач, каравотга ёнбошлаб чой ичаётган отам деди:

- Ана энди сендан кўнглим тўқ. Онангнинг олдига ҳам ёруғ юз билан бораман.Уйинг бор, ишга кирдинг! Ерга экин экканг, рўзғоринг ҳам бут бўлади. Мен ҳам қариб қолганман, бу ёғига ёрдамим тегармикан, билмадим.

Орадан бир ой ўтгач отагинамдан айрилдим. Шундай ғамгин кунларимдан бирида отам обуна қилдирган "Оила ва жамият" газетаси уйимга келди. Шундан бери олти йил ўтди. Бу газета шундан буён отамни эслатади, отам бўлиб насиҳат қилади, отам бўлиб койийди, отам бўлиб кўнглимни кўтаради. Мунгли кунларимни газетадан ўқиган мақолаларим билан безайман...Начора! Аёл бахтли бўлмаса қийин, оғир! Лекин нимагадир суяниб, ўзида куч топиши ҳам шарт-ку! Мен эса шу газетага суяниб яшаяпман.

**Қалдирғоч,**
**Элликқалъа**
**Авезжон БЕКМУРАТОВА**
**ёзиб олди.**

## Шифохонада 1-2 ойлаб даволанардим. Охирги сафар юрагим қаттиқ санчиб, оёқ-қўлларим шишиб, бир неча кун ўрнимдан туролмай ётдим.

Шаҳарга боролмай, "Оила ва жамият"нинг янги сонларини сотиб ололмаганим учун газетанинг эски сонларини қайта-қайта ўқиб ётардим. Ёнимда ётган 30-35 ёшлардаги жувоннинг турмуш ўртоғи келиб: "Мана бу газеталарни ўқиб зерикмайсизлар, вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмайсизлар", - дея сумкасидан бир даста газетани олиб, столнинг устига қўйди. Аёл эса: "Газета ўқимаслигимни яхши биласиз-ку! Ундан кўра пул олиб келсангиз бўлмасмиди? Бугун ҳамма аёллар атлас олишди. Пулим йўқлиги учун мен бечора ололмадим", - дея зарда қилиб газеталарни эрига қарата отиб юборди. Турмуш ўртоғи эса нима қиларини билмай, "Кечагина пул ташлаб кетувдим-ку", - дея хотинига пул бериб, астагина чиқиб кетди. Мен эса аёлга: "Газетани отманг, увол бўлади-я!" - дея ўрнимдан қандай туриб кетганимни билмайман. Бир неча йил ўз фарзандини кўрмаган, соғинган онадек газеталарни олиб, кўксимга босиб, юм-юм йиғлаб: "Менинг газетам! Менинг "Оила ва жамият"им", - дея олардим холос. Шунда "Оила ва жамият" менинг ҳаётим мазмунига айланганини юрак-юракдан ҳис этдим. Ўша куни палатимизга сотувчи аёл атлас олиб келганди. Агар соғайиб кетсам, тиктириб кияман, дея яхши ниятлар билан мен ҳам олгандим. Ёстиғимнинг тагида турган атласни олиб бояги жувонга бердим. У қўлидаги атласга севинч билан боқар, менга мингдан-минг раҳматлар айтар, боя ололмагани учун жуда-жуда алам қилганини таъкидларди...

Бир куни кўшни палатага 25-26 ёшлардаги ўз жонига қасд қилган, аммо тирик қолган жувонни олиб келишди. Ўрнидан туролмай ётган бемор билан суҳбатлашиб, "Оила ва жамият"нинг 4-5 та сонидан унга бердим. Газетани ўқигач:- "Арзимаган ориш-жанжал туфайли эримга аччиқ қилиб ўз жонимга қасд қилдим. Оллоҳга шукрки, икки боламнинг бахтига омон қолдим. Агар бу газетани олдинроқ ўқиганимда бундай ишга қўл урмаган бўлардим. Мен ҳам ҳаётим ҳақида газетага ёзаман. Токи мен қилган гуноҳни ўзгалар қилмасин",-деди жувон куйилиб келаётган кўз ёшларини артиб.

Оғир ётган пайтларимда энг яқин қариндошларим ҳам "Оила ва жамият"чалик менга ёрдам беролмаган, меҳр кўрсата олмаган. Менинг соғайишим учун Оллоҳим бу газетани сабабчи қилган бўлса керак, деб ўйлайман.

Газетанинг ҳар бир сонини кўз қорачиғимдай асрайман. Ниятим "Оила ва жамият" ҳар бир хонадонга бахт, омад ва қувонч олиб кираверсин! Ҳар бир инсон қалбига аҳиллик уруғини сочаверсин! Мухлислари янада кўпаяверсин!

**София НАЗАРОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нарпай тумани.**

## Инсон ҳар кимга ҳам дардини достон қилавермайди. Аввало ишонч ва меҳрини қозонган кишисига ишониб дилини ёради. Дардига малҳам излайди. "Оила ва жамият" эса ана шундай меҳрга сазовор газета десам муболаға бўлмас.

Ҳар пайшанба сирдошим "Оила ва жамият" хонадонимизда қўлма-қўл бўлиб ўқилади. Қизим ҳам унинг ашаддий мухлиси. Ўқилган газеталарни йиғиб қўямиз ва қишлоқдан укамлар меҳмонга келса, уларга ҳам илиниб бериб юборамиз.

Шу газета туфайли менинг ҳаётимда ҳам туб бурилиш ясалган. Оллоҳ газета туфайли мени эримнинг хиёнатига қасдма-қасд ёмонлик қилишдан қайтариб қолди. Ўзимни бадном бўлиб қолишдан, ота-онам ва фарзандларимни эса менинг доғимда куйишдан асради. Газетани илк бора қўлимга олиб ўқиган куним учун худойимга беадад шукр қиламан.

Шунингдек "Қайда ўзи ўша бахт" рукни орқали касбдош опамнинг 46 ёшида илк бора бахти очилгани ҳам мен учун қувончларидир. Балки опажоним бахтдан сармаст бўлиб, таҳририятга раҳмат айтишни унутгандир. Лекин мен сизга ва жамоангизга чуқур миннатдорчилик билдираман.

*Оғир кунларимда ёритган дилим,*
*Илким тутиб кўрсатган йўлим,*
*Лоқайдлик батамом эзганда руҳим*
*Аритдинг сен кўздаги ёшим.*

*Воҳ, бевафони суйдим тутганида гул,*
*Айро тушди ёрдан ҳам кўнгил.*

*Жудолик ғами танни ўртаб,*
*Ақлдан озгудай ёндим, тутаб -*
*Маъносиз умрдан батамом бездим,*
*Илон каби қилиб қасд, ўзни қотил сездим.*
*Яратганнинг карами-ла очилди кўзим,*
*Тангри қайтарди ўзимга-ўзим,*
*Газета сабаб гўё қайта туғилдим,*
*Аё, дўстлар, шумлигу ёмонликдан қайтдим!*

**Бухоролик ШИРИНГУЛ**

## Севимли газетамизнинг 15 йиллик тўйи жонажон республикамиз мустақиллигининг 15 йиллиги билан бир вақтда келиши биз мухлислар учун ҳам қувончлидир. 15 йил... Ана шу йиллар мобайнида жонажон Ўзбекистонимизда қанчадан-қанча бунёдкорликлар, ўзгаришлар, яхши-ёмон воқеалар бўлиб ўтди. Керак бўлса шу азиз юртимиз, Ватанимизни ҳимоя қилиш ва унинг тинчлигини сақлаш йўлида навқирон, ёш йигитларимиз ўз жонларини қурбон қилдилар. Ана шундай вақтлар газета ҳамиша халқ билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлди. Унинг саҳифаларида ибрат бўларли мақолалар кўплаб ёритилди. Онахону, отахонларимиз ўларни ўқиб фикр, мулоҳаза қилдилар, ёш келин-кўёвларимиз ўзларига тегишли сабоқ олдилар, қайнонакелин можаролари барҳам топди. Бузилиш арафасида турган оилалар қайта тикланди, бахт излаган ёшларимиз шу газета орқали ўз тенгиларини топиб оила қурдилар, қанчадан-қанча беморлар ўз дардларига малҳам топдилар. Ҳар бир инсоннинг ҳаётида яхши-ёмон кунлар бўлиб ўтади. Ана шундай пайтларда биз газета саҳифаларини варақлаб, ўқиб ундан руҳий мадад оламиз, таскин топамиз. Менинг тилагим, газетанинг мухлислари яна ҳам кўпайсин.

**Дилбар ЭРНАЗАРОВА,**
**Гулистон шаҳри.**

# БОЛАЛАРИМДАН АЙЛАНАЙ

ТАШРИФЛАРИНГИЗ:

Таҳририятдаги гавжум хонамизнинг эшиги очилиб бир отахон кириб келди. Чеҳрасидан нур ёғилиб турган бу киши ҳаммамиз билан бир-бир сўрашиб чиққач стулга ўтириб дуо қилди. Сўнг ўзини таништирди:

- Мен Абдусаттор ота Абдураҳимов бўламан. Тошкент шаҳрида яшайман. Ҳозир 78 ёшга чиққан бўлсам, шундан 47 йилини одамларни даволашга бағишладим.

**- Жуда соз, отахон! Илоё, юртимизда сизга ўхшаганлар кўп бўлсин! Хуш келибсиз, бирор хизмат билан келдингизми ёки?..**

- Газетанинг бир мухлиси сифатида сизларни бир кўрай, суҳбатлашай деб келдим-да. Ҳозир пенсиядаман. Кексалик гаштини сураяпман. Айтганимдек, шифокор эдим. 1953 йилда ўз фаолиятимни бошлаганман. Қибрай, Тўйтепа, Оққўрғон, Тошкент каби туманларда бош врач лавозимида ишладим. Ташландиқ ҳолга келиб қолган биноларни қайта таъмирлатиб, обод қилдик. Бу ишларни халқ билан амалга оширдик.

**- Фарзандлар, набираларингиз орасида сизнинг касбингизни танлаганлари ҳам борми?**

- Албатта-да! Худога шукр! Тўрт нафар фарзандимиз бор. Рафиқам Каримаой билан уларни вояга етказиб олий маълумотли қилдик. Қизларим Саидаой, Шохиста бону ва ўғлим Абдуғаффор менинг изимдан боришди. Ўн бир нафар набираларим бор. Бир-биридан ақлли, ширин. Катта набирам Дилдорахон ва куёвим Юсуфбек ҳам шифокор. Шифокор бўлсам ҳам ижодга қизиқаман. Ҳар бир фарзандимнинг исмига шеър ёзиб қўйганман. "Кўнгил мулки" китобининг ҳам муаллифиман.

**- Кўпни кўрган инсон сифатида ҳозирги оилавий муносабатларга нисбатан фикрингиз қандай?**

- Айтсам гапим кўп. Асосийсини айтадиган бўлсам ака-ука, келин, овсинларнинг аҳил ва тотув яшаганига не етсин? Мана бир мисол. Мен болалигимдан то шу кунгача яшаётган хонадонимни олайлик. Илгари бу ерда 27 нафар инсон яшарди, ҳозир эса 30 кишимиз. Ҳамма тинч-тотув. Катталар кичикларга билмаганини ўргатишади. Болалигимда ҳам амакиларим менга турли илмларни ўргатишарди. Биттаси ўқиш, ёзишни ўргатди. Шу боис бир нечта достон китобларни ёшликдан ўқиб ёд олдим.

**- Оилада кўпроқ қаттиққўллик қилиш керакми ёки?..**

- Ўз оилавий тажрибамга келадиган бўлсам мен анчагина қаттиққўлман. Чунки боланинг ҳар бир гуноҳ иши, жиноятига кўнгли бўшлик, ортиқча эркалатишлар сабаб бўлади.

**- Ўтган ҳаётингиздан кўнглингиз тўладими?**

- Бўлмасам-чи! Ҳозир аёлим билан жуда фароғатда яшаяпмиз. Биз онаси иккимиз болаларимизни тўғри тарбиялаб, ҳаётда ўз йўлларини топишига ёрдам бердик. Улар ўғри бўлишмади, дангаса бўлишмади. Энди улар меҳнатлари орқасида бахтли яшаб, бизни ҳамма нарса билан таъминлаб қўйишди. Илойим, соғ бўлишсин!

**- Кўз тегмасин, тетиксиз! Шифокор сифатида ўзингиз нималарга амал қиласиз?**

- Ёшлигимдан ҳар куни эрталаб бир соатдан бадан тарбия қилиб келаман. Мақтаниш эмасу шу ёшгача дўхтирга фақат тишимни даволатиш учун борганман. Умуман дори ичмаганман. Аслини олганда ҳар бир инсон ўзига-ўзи дўхтир. Ҳамма нарсанинг маромини билиш керак.

**- Катта ҳовлида яшар экансизлар. Боғ ишлари билан шуғулланиб турармидингиз?**

- Ахир ҳовлида яшашнинг ўзига хос юмушлари кўп бўлади, уларни бажариш ҳам кишига завқ беради. Бир парча ер бўлса ҳам уни яшнатиб яшаш бизга боболардан қолган-ку! Бир туп балх тутимиз бор. Танасига иккита одамнинг қулочи ҳам етмайди. Айтишларича, унинг ёши ҳам 150 йилдан ўтганмиш. Ана шу тут пишганда ҳамма бизникида бўлади. Марваридлик тутларни ҳамма ейди. Дуо қилишади. Ҳали тут пишиғида сизларни ҳам уйимизга таклиф қиламан. Бир тутхўрлик қилиб келасизлар!

**Абдусаттор ота кўрган-кечирганларидан сўзлаб, анча гаплашиб ўтирди. Отахонни кўчага кузатдим.**

**Ёши улуғ шундай мухлисларимиз борлигидан, бизни излаб келганларидан қувондик.**

**Қани эди, инсонлар фақат яхши хабарлардан, фароғатли кунларидан сўзлаб бериш учун бизни излаб келишса!..**

**ГУЛБАШАКАР**

# ШАРПАНИ ТАНИДИМ...

Хонага кириб келган кўҳликкина қиз жиққа ёш тўлган кўзларига рўмолча босаркан:

- Менга ёрдам беринг, опа... - дея болаларча жовдираб қаради.

**- Қўлимиздан келса, нега ёрдам бермас эканмиз... Нима гап ўзи?**

- Икки ўт орасида қолдим... Ёшим 19 да. Жизахликман. Олийгохда ўқийман. Опамнинг уйида яшайман. Опам Тошкентга институтга кираман, деб келиб, киролмади. Сўнг, "текстил"да ишлаб, ўша ерда бир йигит билан танишиб, унга тегаман, деб туриб олди. Отаонам оддий одамлар. Анча ночор яшардик. Йигитнинг қариндош-уруғини, ота-онасини ҳам суриштирмай, рози бўлишди. Опам: "Ўшанга тегмасам, энди мени биров олмайди", - деб уларнинг "ўтакасини ёрди".

**- Куёв бирор қариндошини олиб келдими?**

- Поччам икки оғайниси билан келди. Бизнинг уйдагилар "йиғиб-териб" кичикроқ "тўйча" қилиб, элга маълум қилишди. Поччам ўзини "етимман" дебди. Бухоро вилоятида қариндошлари бор эмишу борди-келди йўқ экан. Ишондик. Чунки "ғиштқолипдан кўчиб бўлган" эди. Икки болали бўлгач, опам ишламай уйда ўтириб қолди. Поччам опам билан бир амаллаб, икки хонали уй сотиб олишди.

**- Уйингиздагилар ҳам ёрдам беришдими?**

- Ҳа, мол-ҳолларини сотиб, уйнинг ярим пулини отаонам тўлашди. Ўзимиз ҳам 4 жон эдик. Мен "ўқийман" дегач, опамникида яшашимга рухсат беришди. Бахтим чопиб, ўқишга кирдим. Қувончимнинг чеки йўқ эди. Орзумга эришгандим. Борлиғим билан ўқишга шўнғидим. Опам ҳам ишга чиқди. Маоши оз бўлса-да, рўзғорнинг бир учини кўтариб турарди. Отамлар ҳам ҳар ой ул-бул бозорлик қилиб, опамникига ташлаб кетишарди. Мен эса ўқишдан келибоқ жияларимни боғчадан олиб келар, овқат қилар, опам ва поччам ишдан қайтишига уйни чинни чироқ қилиб, тозалаб қўярдим. Ҳамма ухлагач, товоқ-қошиқларни ювиб, сўнг меҳмонхонада мутолаа қилардим. Мен учун бу лаҳзалар ҳузур бағишларди. Одатда 10 ёшли жиянчам мен билан бир хонада ухларди.

...Ўша машъум воқеа юз берган кун ҳам у диванда эртароқ ухлаб қолганди. Дарсларимни тугатгач, ўзимга жой солиб, секин чўзилдим. Энди кўзим илинган экан, ёнимда бировнинг шарпасини ҳис қилиб, "дод" демоқчи эдим, овозим чиқмади. Кимдир оғзимни қўли билан бекитиб турарди. Уни ўзимдан узоқлаштиришга ҳаракат қилдим, кучим етмади. Бахтимга шу лаҳза диванда ётган жиянчам уйғониб, мени чақирди. Шарпа мени қўйиб юбориб, қоронғуликда ғойиб бўлди. Кўрққанимдан ақлдан озай дедим. Аммо "шарпа"ни танидим. У-поччам эди... Мен жиянчамга сув бердиму, ўша тун чироқни ўчиргай ётдим. Эрталабгача ухламадим. Тонгда поччам тез-тез ювиниб, нонушта ҳам қилмай, ишга жўнаб қолди. Мен эса карахт, воқеадан опамни қандай огоҳ этишни билмасдим. "Опамнинг болалари, ҳаёти нима бўлади?" деган ўй юрагимни тимдалаб, мени ҳамма нарсадан чекинтириб турарди. Унинг бунақа махлуқ билан яшашини истамасдим. "Ахир мен поччамга ҳам сингил эдим-ку! Наҳотки?.." деган савол болғача билан миямга ургандек такрорланарди. Аммо... Ўша куни талабалар ётоқхонасига чиқишни кўнглимга тугиб ўқишга бордим. Бахтга қарши ётоқхона тўлган, ортиқча жой йўқ эди. Ижара уйларнинг ҳақи қиммат экан. Отагинам овқатимга етказадиларми, ижара ҳақини тўлашгами? Ҳафсалам пир бўлиб, опамникига қайтдим. Аммо ҳеч ишга қўлим бормас, жонсиз одамга ўхшардим. Судралгандек бориб, жиянларимни боғчадан олдим. Опам ишдан қайтишига яқин амаллаб овқат пиширдим. Яна поччамнинг турқини кўришни ўйласам, азойи баданимга қўрқув аралаш титроқ кирарди.

Опамдан аввал поччам келди. Эшикни очдиму, башарасига ҳам қарамай ошхонага кириб кетдим. У ётоқхонасига кириб, кийимларини алмаштирида, ёнимга келди:

- Овқатинг борми? - деди ҳеч нарса бўлмагандек.

Индамадим.

- Тинчликми? - дея ўсмоқчилади яна.

- Кечаги ишингизни отамга айтиб бераман, - деб йиғлаб юбордим.

У бўлса безрайганча:

- Қанақа иш? Менинг ҳеч гапдан хабарим йўқ! Менга туҳмат қилаяпсан. Шундай экан исбот қил, нега ўша пайти ушламадинг? Бу гап билан ўзинг шарманда бўласан,-дея менга ўдағайлай бошлади.

- Номуссиз экансиз? Сиздайларни ер қандай кўтариб юрибди! Худо жазоингизни берсин!- дедим-у, юзимни бекитганча балконга чиқиб кетдим.

Шу пайт эшик очилиб, опам келиб қолди.

- Нимага йиғладинг? - деди хавотир билан кўзим қизарганини кўриб.

Нима дейишимни билмай қолдим. Опамнинг орқасидан поччам менга қараганча ўқрайиб турарди. "Ўзинг шарманда бўласан!" деган гапи қулоғим остида жаранглагандай бўлди.

- Ўзим, уйдагиларни соғиндим... - дедим опамни алдаб.

- Ундай бўлса, бориб, ота-онамни кўриб кел, - деди кўнгли жойига тушиб.

- Хўп, - дегандай бош силкидим. Аммо бу ёқда ўқишим бўлса, қаёққа кетолардим... Мен ана шундай икки ўт орасида қолган одамман. Нима қилай, опа, маслаҳат беринг, - дея қиз бошини эгди.

**- Қиз боланинг шаъни шу қадар нозикки, у ҳақда ҳазиллашиб бирор гап гапирилиб қўйилдими, кейин тузатиш қийин бўлади. Сиз опангизга гапирмай, тўғри қилибсиз. Номард поччангизга Тангрининг жавоби бор. Сиз энди қийналсангизда опангизникидан чиқиб кетишингиз керак. Ҳеч кимга билдирмаслик шарти билан бор гапни онангизга айтинг. Бирор дугонангиз билан ижарага уй олиб яшанг. Опангиз уйда бўлган пайтдагина уникига боринг. Поччангиз ҳам бир кун келиб виждони қийналиб, сиздан кечирим сўрар...**

* * *

***Унинг вазиятида бундан бошқа йўл йўқ эди, менимча. Сиз нима дейсиз, азиз мухлис?***

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

# ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДА

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларида: "Жаннат оналар оёғи остидадур",- деганлар. Инсон қачонки меҳр-мурувватли, саховатли, хушмуомала бўлса, жаннатга лойиқ бўлар, шубҳасиз. Шундай экан, ота-она олдидаги муқаддас бурчни эсдан чиқариш ё бунга бепарво бўлиш инсон шаънига жуда ёмон ҳақоратдир. Ота-она хизматини, ҳурматини эл лаънатидан қўрқиб эмас, балки виждон даъватига қулоқ солиб, инсонлик қадрини юксак тутиб, оқ кўнгиллик билан бажо келтириш лозим. Синглим, сиз оқилалик ва меҳр-муҳаббат ила иш юритсангиз, улар асло армонда қолишмас. Сиз: "Мен кетгач, она-бола ўртасида "қаттиқ-қурум" гаплар бўлибди",- дебсиз. Умр йўлдошингиз сизни жуда ҳурмат қиларканларки, ёнингизни олибди. "Эгилган бошни қилич кесмас", дейдилар, узр сўраб, ҳол-аҳволларидан хабар олиб турсангизлар, бас. Албатта яраша-ди. Ҳар на қилса-да она-ку, кўнгиллари юмшар. Ўз фарзандингизнинг чиройли қилиқларини кўрганингизда эр-хотин суюнгандирсиз? Шуларни мисол келтиринг. Чиройли ва яхши фазилатларини ўғиллари олдида мақтаб гапиргандирсиз? "Бе-айб парвардигор", дейдилар. Бир келин бўлган экан, у доимо қайнонасининг фазилатларини ёмонга йўйиб эрига айтаркан. Бир куни эри ишга кетдим, деб онасини кузатибди. Шунда онаизор ҳар бир ишида боласига умр, соғлиқ, қайтмас давлат тилаб юмушларини бажараётганмиш. Кечқурунига яна хотини гапира бошлаган экан, уни эри тўхтатиб шундай дебди: "Агар онам сенга ёқмаса ихтиёринг бошқа турмуш қила қол, лекин менга онам керак, улар ҳаётдан кўз юмсалар мен уларни қайдан топаман, лекин ўттиз икки мучамга ўттиз икки хотин топилади", дебди. Эрининг бу гапини эшитиб хотини онасини ҳурмат қиладиган бўлибди. Уларнинг дуосини олиб, эрининг олдида ҳурматини тиклаган экан. Сиз ҳам уларни ювошгириб:»Экканимизни ўрамиз, эртага бизнинг болаларимиз шундай қилса чидай оламизми? Қайтар дунё бу»,- денг. Дарахтга ҳар кун бир болта уриб қўйсангиз бир кун қулайди. Суҳбат орасида чиройли ибратли ривоятлардан гапириб беринг. Масалан:

"Бир Шайх бўлган экан, у беш вақт намозини канда қилмас, доимо рўза тутиб, зиёратлар қилиб юраркан. Улар хасталаниб кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолибди. Табиблар ҳам даволай олишмабди. Оллоҳ таолога омонатини топширадиган кун яқинлашибди. Шунда яқинларидан бироз пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдиларига бориб илтимос қилибди: «Ўзингиз бир қараб қўйсангиз. Тил забонсиз, бир неча кундан бери бир хилда ётибдилар»,- дебди. Пайғамбаримиз қарасаларки, хаста ўсал бўлиб, кимнидир кутиб жон бера олмай ётибдилар. Шунда улар: «Хастанинг оналари борми?»- деб сўрабди. Атрофидагилардан бириси: "Ҳа, бор, лекин кела олмайдилар. Бироз хафалашиб қолишган", - дебди. Шунда пайғамбаримизнинг ўзлари йўлга чиқибдилар. Онанинг олдиларига бориб, ҳамма гапни айтиб:«Сиз рози бўлмасангиз ўғлингизнинг жон бериши қийин бўлади", - дебдилар. Онаизор зорзор йиғлаб келиб, ўғлининг пешонасидан ўпиб: "Мен розиман, жоним болам, розиман", -деган экан, ўғлининг жони узилибди. Шунда онаизор боласига Оллоҳдан жаннатни тилаган экан.

**Фотима БОЛТАЕВА,**
**Хоразм вилояти**
**Қўшкўпир тумани,**
**"Ших" қишлоғи,**
**29-мактаб ўқитувчиси.**

*"Армонда қолишмасмикан" - 24-сон.*

**ЭСЛАТМА: Қайнонам билан келишмаганим сабаб алоҳида уй олиб чиқиб кетдик. Аммо эрим ҳовлидан қувилгани учун ота-онаси билан умуман гаплашмайди. Мен уларнинг муносабатини яхшилашга қанча уринсам-да, эрим сўзидан қайтмаяпти.**

**МУАЛЛИФ: С. ФАХРИДДИНОВА.**

Мақолани ўқиб, анча ўйланиб қолдим. Қиз биринчи турмушидан ажрашиб, иккинчи бор турмуш қурибди. Эрининг олдинги аёли ногирон экан. "Қайнона-қайнотамнинг ўтидан кириб, кулидан чиқардим", дебдилар. Қайнона-қайнотани ҳурмат қилиш жуда яхши одат. Чунки ўғил ишга кетганда албатта қайнона керак бўлади. Шундай бўлса-да, қизга анчагина зуғум ўтказилибди.

Қизим! Эрингиз ногирон аёлидан ажрашмаган экан. Кундошингизга "ўзим қарайман", деб илтимос қилиб олдириб келмабсиз-да. Балким қайнонангиз шу хислатингиз туфайли сизга ҳам меҳр қўйган бўлармиди? Қайнонангиз билан гап талашиб, айтишмасангиз бўларди.

Ҳурматли қайнона! Агар сиз ҳадеб келинингиз билан гап талашмай, ёмонини яшириб, яхшисини ошириб гапирганингизда ўғлингиз сиздан хафа бўлмас, уйдан чиқиб кетмас эди.

18.20 "Ҳидоят сари".
18.40 ТВ анонс.
18.45 "Мерос". Телесериал.
19.10 "Оҳанглар оғушида".
19.20 Биржа ва банк хабарлари.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Ишқ эртаги". Телесериал.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Одамлардан бири".
22.00 "Хотинлар исёни". Телесериал премьераси.
22.55 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.05 "Олам ва одам" дастури: "Замин мавжудотлари".

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 "Зарда". Сериал.
8.40 Кино-SMS.
8.45 Янги мавсум туҳфалари.
9.00 Давр мавзуси.
9.15 Оила тилсими.
9.40 Хазина.
9.55 Анонслар.
10.00 Давр.
10.15 "Ёлғон асираси". Сериал.
11.00 "Янги авлод болалари – эртанги кун эгалари".
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.20 МУХЛИС-ШОУ.
14.00 "Эрта бугундан бошланади".
14.55 Ватан ҳақида ўйлар.
15.00 "Муҳаббат қаҳваси".
15.50 Нафосат олами.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 Футбол-2006.
16.40 Чемпион сирлари.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 "Ибратли саргузаштлар". Мультсериал.
17.20 Фан ҳақида 10 дақиқа.
17.30 У ким? Бу нима?
17.50 "Жаноб Бин". Комедия.
18.15 Кино-SMS.
18.20 "Ювайсий". Телесериал.
19.00 Давр.
19.35 Омон бўлинг!
20.00 Солиқ хизмати хабарлари.
20.10 Спорт-лото.
20.15 Кино-SMS.
20.20 "Моя мечта". Дунё таомлари.
21.10 "Зарда". Сериал.
22.00 Давр.
22.45 "Барон Мюнхгаузеннинг саргузаштлари". Бадиий фильм.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.30 "Ҳақиқат". Телесериал.
9.20 "Эрудит". /рус/.
9.35 "Интервью"/рус/.
9.45 "Юртим жамоли".
10.05 "Саньат гулшани".
10.45-12.15 Кино. "Оқшом чоғи арши аълода". /рус/.
X X X.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Афиша". /рус/.
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт".
19.10 "Ҳақиқат".
**20.00 "Пойтахт".**
20.20 "Репортаж". /рус/.
20.30 "Қўрқмас ва довюраклар". Телесериал.
21.00 "Жозиба".
21.15 "Эрудит". /рус/.
**21.30 "Пойтахт".**
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 **2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили:**
"Саломат бўлинг".
**22.20 "Ретро мусиқа".**
**22.30 "Пойтахт".**
22.50 Кино. "Тақдиринг қўлингда".

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус. тилида)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 "Андерсен эртаклари".
9.00 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
9.20 АВТОграф.
9.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.00 Теннис. Осиё чемпионати (Тўғридан- тўғри олиб кўрсатилади. )
12.30-13.05 Детективлар.
"Sport" телерадиоканали.
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус)
18.55 "Мўжизалар майдони".
20.00 "Вести".
20.20 Теннис. Осиё чемпионати.
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 Теннис. Осиё чемпионати кундалиги.
22.05 "Аптека эшитади".
22.50 "Аль Бано ва эстрада юлдузлари". Концерт дастури.
00.00 Еврофутбол.

## TV-MARKAZ

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 «Юлдузли пайшанба»
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Мировые хиты
16.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
16.50 Узбек наволари
17.00 «Судьбы»
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал «В РИТМЕ ТАНГО» 8-серия
20.15 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Худ. фильм «ПОСЛЕДНИЙ ЗНАК»
23.40 Миксер

4.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов + «
9.05 «Хиромант». Многосерийный фильм
10.05 «Умножающий печаль». Многосерийный фильм
11.00 Новости
11.30 «Детективы»
12.05 «Лолита. Без комплексов»
13.00 Другие новости
13.25 «Понять. Простить»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 Вне закона
14.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
18.00 «Погодные войны». Документальный фильм
19.00 «Хиромант». Многосерийный фильм
20.00 Время
20.25 Михаил Задорнов. «Этот безумный, безумный мир»
21.55 Премьера. Всероссийский конкурс молодых исполнителей «Пять звезд». Открытие
23.30 Дензел Вашингтон в триллере «Вне времени»
1.15 Джон Гудмен, Дэн Эйкройд в комедии «Братья Блюз 2000» (2001 год)
2.00 Время
2.25 Комедия «Братья Блюз». Продолжение

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 «Мой серебряный шар. Александр Демьяненко». Ведущий - Виталий Вульф.
8:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия».
11:50 «Частная жизнь».
12:05 «Вся Россия».
12:15 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 «Суд идет».
15:00 «Кулагин и партнеры».
15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долинский и Анатолий Лобоцкий в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 ПРЕМЬЕРА. «Юрмала-2006». Международный фестиваль юмористических программ.
22:10 Владимир Машков, Мария Миронова, Марат Башаров, Александр Балуев, Андрей Краско и Владимир Стеклов в фильме Павла Лунгина «Олигарх». 2002г.
0:45 ПРЕМЬЕРА. Триллер «Потерянный ангел» (США). 2004г.
2:45 «Дорожный патруль».
3:00 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. «Закон и порядок» (США).
3:40 Канал «Евроньюс» на русском языке.

## ШАНБА 9

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Ёз – ўтмокда соз":
8.50 "Олтин тож". Телеўйин.
9.25 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 "Шифокор қабулида".
9.55 ТВ анонс.
10.00 "Мусиқа дунёси".
10.20 "Оналар мактаби".
10.40 1."Рангинкамон". 2."Дидар".
11.20 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.55 "Интеллектуал ринг".
12.40 ТВ анонс.
12.45 "Йигит кўнгли". Телесериал.
13.50 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Ватанпарвар".
"Болалар сайёраси":
16.25 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эрталаклар – яхшиликка етаклар".
17.30 "Шахсий фикр".
18.05 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
18.25 "Оҳанглар оғушида".
18.35 "Минг бир маслаҳат".
18.55 "Одами эрсанг".
19.15 "Суперлото". Телелотерея.
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Мехр кўзда".
20.50 "Минг бир ривоят".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Янги тароналар". Анвар Собиров куйлайди.
22.00 "Хотинлар исёни". Телесериал премьераси.
22.55 "Кўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
23.05 "Спартак". Бадиий фильм. 1-қисм.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 "Зерда". Сериал.
8.40 Футбол-2006.
9.00 Солиқ хизмати хабарлари.
9.10 "Гап йўқ!"
10.00 Давр.
10.15 Интерфутбол.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Кино-SMS.
13.20 Юлдуз билан...
13.50 Нафосат олами.
14.00 "YOSHLAR"ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.
15.30 "Моя мечта". Дунё таомлари.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 Бола тилидан.
16.50 Кино-SMS.
16.55 Чемпион сирлари (рус)
17.15 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саховат".
17.55 Анонслар.
18.00 Каталог.
18.10 "Камолот" хабарлари.
18.20 "Увайсий". Телесериал (якунловчи қисм)
19.00 Давр.
19.35 Эълонлар.
19.40 "YOSHLAR"да миллий сериал: "Севги фариштаси".
20.20 "Ошуфта дил". Хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаева куйлайди.
20.50 Оҳанрабо.
21.30 "Ортиқча" хусусий клиникаси". 2-қисм.
22.00 Давр.
22.45 "Қирол Артур". Бадиий фильм.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 "Салом, Тошкент!" Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
8.30 "Ҳақиқат". Телесериал. /рус/
9.20 "Эрудит". /рус/.
9.35 "Репортаж"/рус/.
9.45 "Афиша". /рус/.
9.55 "Саломат бўлинг".
10.05 Мусиқа SMS.
10.25-12.10 Кино. "Буюк жентельменлар лигаси". /рус/.
X X X.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Афиша".
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/.
18.45 "Анонс".
18.50 Мусиқа SMS.
19.10 "Кўза" Қисқа метражли бадиий фильм.
19.40 "Ниҳол" мукофоти совриндорлари куйлайди.
20.00 **"Пойтахт" ахборот дастури.**
20.15 "Анонс".
20.20 "Интервью".
20.30 "Камин олдида суҳбат"/рус/
21.00 "Жозиба".
21.15 "Эрудит". /рус/.
**21.30 "Пойтахт" ахборот дастури. /рус/.**
21.45 "Анонс".
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Мисли гавҳар".
**22.30 "Пойтахт" ахборот дастури.**
22.45 "Анонс".
22.50 Кино. "Кичкина малика".

### SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
9.10 "Смак".
9.30 "Фазенда".
10.00 "Болалар спорти".
10.30 Теннис. Осиё чемпионати.
12.00 "Иқтидор".
13.00- 14.50 Л. Якубовичнинг юбилей кечаси.
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
19.00 "Катта пойгалар".
20.00 "Вести".
20.20 "Кўнгил- кўнгилга пайванд".
21.05 "Халқ ўйинлари".
21.50 Теннис. Осиё чемпионати.
23.20 "Табиб". Бадиий фильм.

### TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
13.30 «ТОП-20»
14.15 Мировые хиты
14.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
14.50 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
16.30 «Очил дастурхон»
17.00 Узбек наволари
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.20 Индийское кино. Худ. фильм «ГОЛОС СЕРДЦА» 1-серия
21.00 Узбек наволари
22.00 Худ. фильм «ИСКУССТВЕННЫЙ РАЗУМ»
00.30 «Миссия неповторима»

### 1 ОТВ

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
5.45 Николай Караченцов, Лариса Удовиченко в фильме «Убийство в Саншайн-менор»
7.15 Евгений Мартынов. «Заговор судьбы»
8.00 «Слово пастыря»
8.15 «Здоровье»
9.00 Новости
9.10 «Смак»
9.30 «Фазенда»
10.00 «ПривороТная магия». Документальный фильм
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Подлинное лицо ураганов»
12.05 Алиса Фрейндлих, Станислав Говорухин в детективе «Женская логика»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.10 «Кумиры». Татьяна Тотьмянина и Максим Маринин
14.50 Наталья Варлей, Александр Демьяненко в комедии «Кавказская пленница»
16.20 «Субботний Ералаш»
16.50 Футбол. Чемпионат России. ЦСКА - «Спартак» (Москва). Прямой эфир
19.00 Премьера. «Большие гонки»
20.00 Время
20.20 Премьера. «Звезды на льду»
21.50 Премьера. Всероссийский конкурс молодых исполнителей «Пять звезд»
23.20 Фильм Ежи Гофмана «Знахарь»
1.20 Джин Хэкмен в фильме «Французский связной-2»
3.20 «ПривороТная магия». Документальный фильм
4.10 Сериал «Дефективный детектив»

### РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Военная программа» Александра Сладкова.
7:45 «Утренняя почта».
8:20 «Субботник».
9:00 «Вокруг света».
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 «Сто к одному». Телеигра.
11:15 «Аншлаг и Компания».
12:10 ПРЕМЬЕРА. «Царь моржей. Порфирий Иванов».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Вия Артмане, Леонид Кулагин и Валентина Талызина в детективе «Следствием установлено». 1980г.
15:00 «Нина Меньшикова. Сердце матери».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17:00 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17:30 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
18:00 ПРЕМЬЕРА. «Я не могу больше жить. Леонид Филатов».
19:00 ВЕСТИ.
19:20 «Танцы на льду. Ваш выбор».
19:55 «Субботний вечер».
21:50 МИРОВОЕ КИНО. Джет Ли, DMX и Марк Дакаскос в боевике «От колыбели до могилы» (США).
23:55 Брэд Питт, Морган Фримэн, Гвинет Пэлтроу и Кевин Спейси в триллере Дэвида Финчера «Семь» (США). 1995г.
2:30 НОЧНОЙ СЕАНС. Дольф Лундгрен в остросюжетном фильме «Внезапный удар» (США).
3:45 Канал «Евроньюс».

## ЯКШАНБА 10

### ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси ":
8.45 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Бўрининг саргузаштлари". Мультфильм.
10.25 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
10.45 "Ҳажвия бисотидан".
11.05 "Қизлар давраси".
12.05 "Навобахш".
12.50 "Бургунд қасрининг сири". Бадиий фильм.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "50x50". Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
"Болалар сайёраси":
16.20 1. "Олтин тож". Телеўйин.
2. "Мамонтчанинг онаси". Мультфильм.
17.10 "Жиддий ўйин".
18.05 "Шўрданак". Ҳажвий кўрсатув.
18.30 "Ҳамон ёдимда... " 1-қисм.
18.50 ТВ анонс.
18.55 "Ҳамон ёдимда... " 2-қисм.
19.15 "Оҳанглар оғушида".
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.50 "Кўҳна оҳанглар". Э. Рўзматов.
22.10 "КиноТеатр".
22.40 "Спартак". Бадиий фильм. 2-қисм.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Анонслар.
8.05 Оҳанрабо.
8.45 "Камолот" хабарлари.
8.55 Ватан ҳақида ўйлар.
9.00 "Ватанпарвар" дастури.
10.00 Journal (инглиз тилида)
10.20 Якшанба нонуштаси.
10.50 Рўзғор мактаби.
11.10 "Синоат". Ток-шоу.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 "Хотира саодати". Муҳриддин Ҳолиқов.
14.00 "Менга турмушга чиқасанми?" Бадиий фильм (Ҳиндистон)
16.20 "Ортиқча" хусусий клиникаси". 2-қисм.
16.50 Полапон.
17.05 Антиқа томоша.
17.35 Ринг қироллари.
18.25 "Қўшиқнинг туғилиши". Лола Аҳмедова.
18.55 Оқшом қўнғироқлари.
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.35 Эълонлар.
19.40 "YOSHLAR"да миллий сериал: "Севги фариштаси".
20.20 Анонслар.
20.25 Мафтунингман, ҳаёт!
20.45 "Қилни қирқ ёриб..!" Интеллектуал ўйин.
21.30 CINEMANIYA.
22.00 "YOSHLAR"да премьера: "Дев билан пакана". Кинокомедия.
00.00 – 00.05 Орзулар бекати.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.30 "Ҳақиқат". Телесериал. /рус/
9.20 "Эрудит". /рус/.
9.35 "Камин олдида суҳбат"/рус/
10.05 "Ниҳол" мукофоти совриндорлари куйлайди.
10.25 "Мисли гавҳар".
10.45 "Афиша".
10.55 Мусиқа SMS.
11.15-13.25 Кино. "Нарния салтанати". /рус/.
X X X.
18.00 Киноконцерт.
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Санъат гулшани".
18.50 "Соғинч".
19.20 "Нима учун?"
19.55 "Ватан мадҳи".
20.10 "Ҳажвия". О. Асомов. /рус/
20.30 "Туризм ҳақида".
21.00 "Жозиба".
21.15 "Эрудит". /рус/.
21.30 Якшанба кинозали: "Биз ёлғиз эмасмиз". /Ҳиндистон/ 1-қисм.
22.50 "Телекурьер-маркет".
23.10 "Биз ёлғиз эмасмиз". 2-қисм.

### SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.05 "Йўлда ёзилмаган қайдлар".
9.25 "Ҳамма ўйдалигида".
10.20 "Аралаш".
11.10 "Қувноқ стартлар".
11.50 "Рақибингиз гроссмейстер".
12.10 "Проф-РИНГ".
13.00 Мусиқий марафон.
13.40 -14.50 "Келин- куёв". Шоу-дастури.
"Sport" телерадиоканали.
18.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" -"Андижон" (Тўғридан – тўғри олиб кўрсатилади. )
Танаффусда "Вести".
20.00 "Версия". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
20.30 "Тайм - аут".
20.50 "Спорт уик-энд".
21.30 "Талқин". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 "Тенгдош".
22.20 "Юлдузлар муз устида". Шоу дастури.
23.50 Еврофутбол. Англия премьер лигаси.
"Вест Хэм" - "Астон Вилла".

### TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.20 «Очил дастурхон»
17.50 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино. Худ. фильм «ГОЛОС СЕРДЦА» 2-серия
20.40 Мировые хиты
21.00 «ТОП-20»
21.45 Узбек наволари
22.00 Кино-SMS:
1. Худ. фильм «КАБЕЛЬЩИК»
2. Худ. фильм «НОЭЛЬ»
3. Худ. фильм «ЭЛЕКТРА»
00.40 ПРЕМЬЕРА! (рус.)

### 1 ОТВ

5.00 Новости
5.25 Люсьена Овчинникова в фильме «Мама вышла замуж»
6.55 Искатели. «Секретный тонель»
7.40 «Служу Отчизне!»
8.15 «Играй, гармонь любимая!»
9.00 Новости
9.05 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.25 Пока все дома
10.20 Воскресный «Ералаш»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Премьера. «Великие династии: Пушкины»
12.10 Алиса Фрейндлих, Станислав Говорухин в детективе «Женская логика»
14.00 Новости ( с субтитрами)
14.25 Лидия Федосеева-Шукшина, Евгений Стычкин в фильме «Брак по расчету» (2002 год)
16.10 Премьера. «Смешные люди»
17.35 Большая премьера. Николас Кейдж в приключенческом фильме «Сокровища нации» (2004 год)
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Мировая премьера. Фильм-катастрофа «9/11»
22.35 Премьера. Гала-концерт звезд и лауреатов конкурса «Пять звезд»
1.25 Лейтенант Коломбо в детективе «Бабочка в серых тонах»
3.00 Сериал «Дефективный детектив»

### РТР

5:00 Елизавета Никищихина в фильме «Во бору брусника».
6:25 «Здоровье».
6:35 «Сельский час».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Диалоги о животных».
7:55 Марина Левтова в фильме «Во бору брусника - 2». 1989г.
9:30 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «Сам себе режиссер».
11:15 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12:05 «Неспетая песня Анны Герман».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль N99». Сатирический тележурнал.
14:05 Алексей Кравченко в фильме «Жизнь одна». 2003г.
16:10 ПРЕМЬЕРА. «Форт Боярд».
17:45 ПРЕМЬЕРА. «Танцы на льду».
19:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20:00 «Специальный корреспондент».
20:25 Екатерина Вуличенко в остросюжетном фильме «Фартовый». 2006г.
22:25 ПРЕМЬЕРА. Морган Фримэн, Том Сайзмор и Джейсон Ли в триллере по роману Стивена Кинга «Ловец снов» (США - Канада). 2003г.
0:50 ПРЕМЬЕРА. Гэри Олдман, Роберт Карлайл, Билли Зейн и Теренс Стамп в фильме «Дохлая рыба» (Великобритания ). 2004г.
2:40 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. ПРЕМЬЕРА. Телесериал «Взгляды» (США). 2005г.
3:25 Канал «Евроньюс» на русском языке.

Ўртоқ Фармонова онамиз бир овоздан маҳалла оқсоқоллигига сайландилар.

Қани, аризангизни бу ёққа беринчи

Сўзсиз сурат

Рассом— А. ҲАКИМОВ



**МУАЛЛИФ СЎЗИ:** Болалар шоирлари кўп, барчаси шеърият боғида ўз овози, йўналишига эгадирлар. Таниқли марҳум шоир Собит (Фофуров)нинг ижодий фаолиятига қаралса юзлаб тез айтишлар, топишмоқлар, ҳандаваларга дуч келамиз. У чинакам тез айтишлар устаси эдики, боғча болалари даврасида бўлиб қулгу улашарди.

***Қишда кишмиш пишмасмиш,***
***Пишса кишмиш қишмасмиш.***

Бу тез айтиш мени ҳам илҳомлантирди.

Вақтида:

***Чиллаки чиллага чидамас,***
***Чидаса чиллаки, чилламас.***

деб монанд жавоб ёзгандим. У киши фотиҳа берган. Ҳозир ҳам ҳозиржавоб тез айтишлар, чалдирмоқлар, топишмоқлар ва қувноқ шеърлар ёзиб тураман. Йўлда ҳам ёзиб кетавериш бор, ёзувчига кераги: Қалам ва қоғоз, илҳом...

Тез ўқиш-тез айтиш жараёнида туғилган. Фақатгина сўзларнинг бош ҳарфлари иштирокида қурилади. Ҳажм жиҳатидан кенгроқ, сочма усулида қофияланиши завқ беради.

Болалигимдан, ребус кроссворд, чайнворд тузганман.

***Қуйидагиларни "Оила ва жамият"-нинг ёш мухлислари диққатига ҳавола этаман.***

**САВОЛ - ЖАВОБЛАР**

**Ўқитувчи:** - Қўлингда бир олма бор, дейлик....

**Ўқувчи:** - Эҳ! Масза қилиб бир ейлик?!

**Ўқитувчи:** - Қўлингда бир олма, бўлсак-чи, иккига не бўлар?

**Ўқувчи:** - Ол!Ма?!

**ОЛАМ ГУЛИ**

***Пахта гули***
***Яхши гул.***
***Ҳаётимизнинг***
***Нақши гул.***
***Олам гули -***
***Пахта гул.***
***Деҳқон гули***
***Бахти гул.***

***ДАДАМНИНГ ОЙИМГА ДЕГАНИ***

***Патир нон-бўлсак биз***
***Икки жон бўламиз.***
***Ушатсак -увоғи:***
***Ўғил-қиз -боламиз***

**ТЕЗ АЙТИШЛАР**

***Тўра тўртга тўлди,***
***Тўла тортга тўйди.***

* * *

***Йўлчи овга чиқди,***
***Йўловчига йўлбарс йўлиқди.***

* * *

***Тўрт ўқувчи, тўрт тўқувчи.***

* * *

***Саъвача садани севади,***
***Саҳарда сададa сайради.***

***Кузда Карим карам узди,***

* * *

***Камола отда камон отди.***

* * *

***Пазанда озонда,***
***Ош дамлар дошқозонда.***

* * *

***Масалчи ва асалчи масалчилик ва асалчилик ҳақида маслаҳатлашди.***

* * *

**ТОПИШМОҚ - ШЕЪР**

***Ётади,***
***семириб***
***Ўйлайсиз -***
***тарвуз, деб***
***Ўсади илдизсиз.***
***Бўлмайди***
***уни еб.***
***Ишлата***
***билсангиз***
***Уйларга***
***берар зеб.*** **(Тош)**

* * *

***Қора занжир чўзилди,***
***Кечга бориб узилди.*** **(Чумоли)**

* * *

***Яшил пўсти бор,***
***Қизил гўшти бор.*** **(Тарвуз)**

* * *

***Япроғи яшил,***
***Сутли шапалоқ.***
***Меваси сариқ***
***Тусли, япалоқ.*** **(Анжир)**

**Анвар МИРЗАЗОДА,**
**Тошкент вилояти, Зангиота тумани.**

## МЕН ОЛИБ КЕЛДИМ

***Қатра хандалар***

- Ҳой, бола, исминг нима?
- Баҳромбек.
- Қаерликсан?
- Шаҳрисабзлик,
- Ёшинг нечада?
- Еттида.
- Етти яшар бола Шаҳрисабздан Тошкентга қандай келдинг?
- Амаки, милиционер бўлсангиз ҳам, ҳеч нарсани билмаскансиз-ку. Қандай келардим, таксида келдим-да.
- Нимада келганингни сўраётганим йўқ, бир ўзинг келганмисан, демоқчийдим.
- Нега бир ўзим келарканман, дадам ҳам келганлар. Дадамни танийсизми, исми Шокир ака.
- Демак, сени даданг олиб келибди-да.
- Йўқ, дадамни мен олиб келдим. Таътилда Тошкентни томоша қилдириб келасиз, деб зўрлаб олиб келдим. Ҳозир ана у ерда музқаймоққа навбатда турибдилар.

## ҚАТНАМАЙМАН

- Менга қара, ширин қиз, исминг нима?
- Динара.
- Мактабга қатнайсанми?
- Қатнамайман, дадам машинада олиб бориб қўйиб, яна олиб келадилар.

## ЧАҚАЛОҚЛИГИДА

- Болакай, исминг нима?
- Миршодбек.
- Бу исмни сенга ким қўйган?
- Билмайман, чақалоқлигимда қўйилган. Исм қўйилганда мен майдагина чақалоқ бўлганман. Ҳеч кимни танимасдим.

## БОБОМНИНГ ХОТИНИ

- Менга қара, Миршодбек, бобонгни яхши кўрасанми, бувингними?
- Каттамни яхши кўраман.
- Катта деганинг ким у?
- Ким бўларди, бобомнинг хотинлари-да.

## ЯШАШ ЖОЙ

- Динара, қаерда яшайсизлар?
- Қишда уйда, ёзда чорпояда яшаймиз.

## ҲОВЛИНИНГ ИЧИДА

- Миршодбек, уйларинг қаерда?
- Уйимиз ҳовлимизнинг ичида.

**Нормамат ТОҒА,**
**Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри.**

Иззатилла бобо Кўчкак қишлоғидан. Ҳозир етмишни қоралаб қолдилар. Йигирма йил муқаддам шундай воқеа рўй берган эди. Ўғлига деб ер участкаси олган, бу ерга турли мевали дарахтлар экқан, буталган шох-шаббаларни бир жойга тўплаб қўяр эдилар. Ҳар гал йўғничқани ўргани борганларида ўтлар орасидан ҳам, ўша шох-шаббалар тагидан ҳам катта, майда илонлар чиқиб келаверар, уларни ўлдириб ёқаверардилар.

Туш кўрадилар. Қабристон эмиш. Тўрт-беш қулоч келадиган баҳайбат илон гўрковга ҳамла қилаётганмиш. Иззатилла бобо қўлларига калтак олиб илонни урибдилар. Гўрков омон қолибди.

Ана шу тушни кўрганларидан сўнг сурункасига ўн уч ой ухламаганлар. Шифо истаб вилоят касалхонасига борман. Жониворга озор бермасак у ҳам беозор-ку. Ўзидан ўзи ҳужум қилмайди-ку.

Шундай қилиб, Иззатилла бобо эзгу ишларга қўл урди. Кўчкакда Эшони Саидхон номи билан аталувчи қабристон бор. Қабристоннинг кун ботиш томони чуқурлик бўлиб, ҳар хил чиқиндилар келтириб ташланар, поклик манзили ёнида бадбўй таратиб, ўзини билган одамнинг кўнглини хижил қиларди. Отахон чиқиндиларнинг устини кўмди. Текислаб бир покиза майдончага айлантирди. Мевали дарахтлар экди. Буғдой, қовун-тарвуз, сабзи-шолғом етиштирадиган бўлди. 1999 йил июл ойида пишган тарвузлардан уч донасини сўйса, тухумларида арабий ёзувлар чиқибди. Уларни ўқиттириб кўрсалар, биттасида

# ТАРВУЗ УРУҒИДАГИ БИТИКЛАР



"Иллаллоҳ", иккинчисида "Муҳаммад", деган, учинчисида ўқиш қийинроқ бўлган битиклар бор эди.

Яқинда Мулла Бахтиёр икки дона тарвуз уруғини кўрсатди. Уруғларнинг икки томонида ҳам "Оллоҳ" деган арабий ёзувлар...

- Қаердан олдингиз? - сўрайман қизиқиб.
- Кўчкакдан. Ўқиб кўришга таклиф этишганди.
- Иззаттила бобо эмасми?
- Худди ўзлари. Танир экансиз-да!
- Ҳа. Ҳали бу мўъжизалар давом этаётган экан-да. Ёзувни шарҳланг-чи.
- Девоний сулус услубида битилган. "Оллоҳ" деган ёзув. Ҳайратланмай, қойил қолмай илож йўқ. Кичкина тарвуз тухумига қўл билан бундай ёзиш қийин.

Олий маълумотли уламонинг фикрига қўшилмай илож йўқ.

Кўчкакнинг Чоргумбаз масжиди имоми Иноятуллахон Саломатов билан илоҳий битиклар, Эшони Саидхон авлиё бобо, Иззатилла бобонинг хайрли ишлари тўғрисида бироз суҳбатлашдик.

- Эшони Саидхон қишлоғимиздан чиққан авлиё бўлганлар, - дедилар қишлоқ имоми. - Ул зот бу дунёдан ўтганларига қанча йил бўлгани ҳам маълум эмас. Шахси ҳақида ҳеч қандай тарихга эга эмасмиз. Бир қанча йиллар олдин ўтиб кетган ёши улуғлардан эшитганмиз. Уларга ҳам бу гаплар аждодлардан ўтиб келган. Эшони Саидхон ҳокисоргина, фақир, деҳқон одам бўлганлар. Ул зотни ҳеч ким тирикликларида авлиё деб билмаганлар. Ўтганларидан сўнг дуоларининг ижобати, кароматларини эслаб авлиёликларига тан берганлар.

Мустақиллик шарофати билан қабрлари таъмирланди. Хужралари янгиланди. Сифатли пишиқ ғиштдан қайта бунёд бўлди.

Авлиё худо эмас, худодан жудо эмас. Иззатилла бобонинг тавба мақсадида қабристон ёнидаги чиқиндихонани обод қилгани, қабр ва хужралари таъмирлангани, қишлоқдаги Чоргумбаз масжиди тикланиб, намоз ўқилаётгани Эшони Саидхон отамиз руҳларини шод қилаётган бўлса ажабмас. Қовунчи деҳқон авлиёнинг руҳлари шодланганига Яратувчининг қудрати билан тарвуз мағзи-ла, уруғига илоҳий ёзувлар битилаётгандир.

Бу имом бобонинг фикрлари. Ростдан ҳам шундайдир. Яна Оллоҳ билгувироқдир. Нима бўлганда ҳам савоб, хайрли, эзгу ишлар қилганга нима етсин.

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ**

# ХИЁНАТДАН ҚЎРҚАЙЛИК

- Дўстим менга хиёнат қилди, унга ўзимга ишонгандек ишонардим...

- Севганим муҳаббатимизга хиёнат қилиб, бошқа қизга уйланди.

Бу йўсиндаги гапларни эшитган ҳар бир инсон хиёнаткор одамга нафрат кўзи билан қараши табиий.

Аммо бундай ҳолатда биз хом сут эмган бандалар кўпинча тўғри хулосага кела олмаймиз. Кимнингдир гапи билан билиб-билмай, сўраб-суриштирмай айбсизни-айбдорга, гуноҳкорни-бегуноҳга чиқарамиз. Қолаверса, ўз наздимиздаги айбдорни бутун оламга жар солиб, ёмонлаймиз.

Шу ўринда бир танишим сўзлаб берган воқеани келтириб ўтмоқчиман:

- Мен талабалик давримда бир йигит билан севишиб юрардим,-дейди у. - У билан битта маҳалладан бўлганимиз учун бизнинг муносабатимиздан кўпчилик бохабар эди. Ўша дамлар жуда бахтли эдим. Лекин минг афсус, бахтли дамларим узоққа чўзилмади. У муҳаббатимизга хиёнат қилиб, бошқа қизга уйланди. Бу хиёнат ҳаётимни остин-устин қилиб юборди.

Севги қиссамизнинг бу қадар тез тугашига табиийки, кўпчилик мени айбдор деб билди. Чунки, у ўзини оқлаш мақсадида танишларига мени ташлаб кетганлигининг сабабини қуйидагича изоҳлаган: "Унинг бошқа йигит билан қўл ушлашиб юрганини кўрдим. У мен ўйлагандек оқила қиз эмас экан. Кўп йигитлар билан юрган экан» ва ҳоказолар. Унинг бу гапларидан кейин аввал таниш-билиш, кейин маҳаллакўй, шундан сўнг ҳамма менга бошқача кўз билан қарайдиган бўлди. Бош кўтаролмай қолдим. Оилам ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади. Хуллас, айбсиз айбдорга айландим. Мен бу ҳақда кўп ўйладим. У ҳаётимни абгор қилди. Шунинг учун ундан қасдимни олмоқчи ҳам бўлдим. Аммо қўлимдан ҳеч нарса келмади.

Орадан 7 йил ўтиб, яъни 27 ёшимда турмушга чиқдим.

Ҳозир жуда бахтliman. Лекин хиёнат ҳақида эшитсам, кинода кўрсам, ҳатто бадиий асарларда ўқисам, ич-ичимдан эзиламан, йиғлагим келади.

- Ҳа, хиёнат не чоғли даҳшатли қилмиш эканлигини унинг қурбонига айланганларгина жуда яхши тушунишади,-дейди бошқа бир суҳбатдошим. - Бунга ўз ҳаётимдан бир мисол келтиришим мумкин.

Биз Каромат билан жуда яқин дўст эдик. Орамиздан қил ҳам ўтмасди. Ичимдаги бор дардимни унга тўкиб солардим. Унга ўзимга ишонгандек ишонардим. Аммо, аммо Каромат менга, "дўстлик" деган муқаддас туйғуга хиёнат қилди. Бир кун тасодифан унга ишониб айтган "игнадек" гапларимни, бошқаларга "туядек қилиб" мени ёмонлаб гапираётганини эшитиб қолдим.

Бу ҳам етмагандек Каромат турли иғволар билан мени не ҳасратда топган ишимдан ҳайдатиб, ўрнимга эса ўзи жойлашиб олди. Буниси ҳам майлига, Каромат асли вилоятдан, пойтахтга келганида борар ери йўқ эди. Шунинг учун бўш турган квартирамда вақтинча яшаб туришига рухсат бердим. Аммо Тошкентда доимий рўйхатдан ўтмаганлиги учун унга ҳеч қаерда иш беришмади. Шунда унга дўстлик қилиб, вақтинча яшаб туриши учун берган квартирамга рўйхатга ўтишига розилик бердим. Охир-оқибат йўлини қилиб бу уйга ҳам шерик чиқди. Шунда дўст қиёфасидаги душманимдан қасос олмоқчи бўлдим ва олдим ҳам. Бир йил ичида уни боридан ҳатто мендан тортиб олган ишидан ҳам айирдим. Натижада Каромат қуруқ қўл ва эгик бош билан туғилган шаҳрига қайтиб кетди. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Биламан, унга нисбатан шафқатсизлик қилдим, аммо Каромат менга яна қандай ёмонлик қилар экан, деб қараб ҳам ўтиролмайман-ку. Шунга қарамай, мени бир нарса қийнайди. Каромат-дан: "Нега дўстлигимизга хиёнат қилдинг?"-деб сўрадим.

У бу саволимдан хижолат бўлиш ўрнига бўлиб ўтган машмашаларнинг барчасига мен айбдор эканлигимни айтди.

Дарҳақиқат, ҳаётда хиёнат қурбонларининг нолишларини кўп эшитамиз, лекин хиёнаткорларнинг ўз айбини тан олиб, гапирганларини кўрмаймиз. Нега шундай? Негаки биз инсонларга бунинг учун мардлик, жасорат, қатъият етишмайди.

Қани энди одамлар айбини тан олишдан эмас, хиёнат қилишдан қўрқса. Қалбимиздаги меҳр-муҳаббат, садоқат, вафо каби соф инсоний туйғуларни йўқотишдан қўрқайлик, уларни риёдан, макрдан асрайлик.

**Сарвиноз ҚАМБАРОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.**

# БОШИМИЗДА СОЯБОН БЎЛИНГ

Биз оилада учта қиз эдик. Онам нима учундир бошқа фарзанд кўрмаган. Отам ёшлигимиздан бизни жуда яхши кўрар, эркалатар, нимани хоҳласак, шуни олиб берар эди. Эринмасдан эртаклар, ҳикоялар айтиб берар, телевизорда бўлган кўрсатув ва кинофильмларни қайтадан тушунтириб берарди.

Қўшниларимиз, қариндошларимиз хонадонида чақалоқ туғилса, биз ҳам ҳавас қилар эдик. Бир куни "фалончи фарзанди йўқлиги учун ўғил асраб олибди", деб эшитиб қолдик. Шунда биз қизлар онамга: "Биз ҳам ўғил асраб олайлик", деб секин айтиб кўрдик. Онам отамга айтган эканлар, шундай жавоб берибди: "Асраб олган болани шу қизларимнинг босган изига ҳам олмайман".

Орадан йиллар ўтди. Отам учаламизни ҳам ўқитди, ҳунарли қилди. Биз кетма-кет турмушга чиқдик. Синглим турмушга чиққандан кейин, онам отамни ўғил кўрсин, деб уйлантирмоқчи ҳам бўлди. Ўзим топиб, ўзим уйлантираман, майли, болаларига ҳам ўзим қарайман, деганда отам яна рад этди. Қаранг-а, отам яна бизнинг кўнглимиз ўксишини хоҳламади.

Балки отажоним Яратганга шу учта қизни берганига шукрона қилгани учун Оллоҳим бизга қайтаргандир. Учаламиз ҳам яхши, обрўли хонадонларга келин бўлдик. Ҳар биримизнинг беш-олтитадан фарзандларимиз бор, Оллоҳга минг шукрлар бўлсинким, ўзимнинг тўртта ўғлим бор.

Отажоним бизни ҳар йили ёзги таътилда Самарқандга, Тошкентга олиб борар эди. Тарихий ёдгорликларни, музейларни кўрсатиб, болалар учун истироҳат боғларида турли халинчакларда учириб, айлантириб келар эди. Тўртинчи синфда ўқиб юрган вақтимда рубоб олиб бериб, мусиқа тўгарагига қатнаштирган эди. Ҳозир ўзим ўқитувчиман, кези келганда ўқувчиларимга рубоб чалиб туришга тўғри келади, шундай пайтларда отамдан жуда миннатдор бўлиб кетаман.

Э-ҳе, айтаверсам отажонимнинг биргина менга қилганлари...

Бир куни кўчадан чарчаб кириб келдим. Отам ҳовлида ўтирган экан. "Ҳа қизим, мунча терлаб қаердан келяпсан?" деб сўрадилар. Мен ўзимча жуда хурсанд "Велосипед ҳайдашни ўргандим", деб жавоб бердим. Икки кун ўтмасдан янги велосипед олиб келдилар. Ҳа, ҳаммаси эсимда, ўшанда еттинчи синфда ўқир эдим.

Ҳайдовчиликка ҳам ўқитиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлимга тутқазиши, Самарқанд Давлат Университетини битириб, дипломни қўлимга олган куним қувончдан кўзларига ёш олиб, мени қучиб табриклаганликлари... ҳаммаси бирма-бир кўз олдимдан ўтди.

Мен сизга ҳикоя қилиб берган отажоним 42 йил бир соҳада Булунғур туман электр тармоқлари станциясида меҳнат қилган, кўплаб ёш мутахассисларга устозлик қилган Мажидов Илаш ҳозирги кунда онажоним билан кексалик гаштини сурмоқда. Азиз отажоним, сизнинг азиз бошингиз бизнинг бошимизда ҳамиша соябон бўлсин.

Фарзандлари ўғилдир, қиздир, шундай меҳрибон оталар ҳар доим омон бўлишсин.

**Гулнора МАЖИДОВА,**
**Жиззах вилояти,**
**Зарбдор тумани.**

## Ҳаёт машваралари ва қувончлари

# БИР УМРЛИК СЕВГИ

- Ёшим саксонга яқинлашган бўлса ҳам кампиримни севаман, - дейди Саид бобо. - Кампиримнинг ёши ҳам етмиш бешларга бориб қолган. У қизлик чоғи қандоқ бўлса, ҳозир ҳам ўшандай-ҳазил сўзларию, эркаликлари билан мени яшашга ундайди. Шунинг учун ҳам ўзимни ёш, навқирон йигитлардек ҳис этаман.

Йигитлик чоғимда қизлар мени кўрган заҳотларидаёқ тўрт томонга қочиб кетишарди. Кўчамизнинг бошида бир анҳор оқарди. Бир куни анҳор ёнида ёнбошлаб ётганимда Саида исмли қиз мени кўрқитмоқчи бўлиб яқинлашиб келган. Мен кўзимни очганимни биламан, Саида чунонам бақирдики, кўрққанимдан ўзимни анҳорга ташлаб юбордим. Ҳамма жойим шалаббо бўлиб сувдан чиқдим, атрофга қарасам ҳеч ким йўқ. Жим-жит...

Шу воқеадан сўнг Саида мени кўрса қизариб-бўзариб олдимдан югуриб ўтиб кетадиган бўлди. Ўртоқларим масхара қилиб устимдан кулишарди. Гўёки Саида мени севгани учун қизариб кетар эмиш. Аслида улар бўлиб ўтган воқеадан бехабар эдилар-да.

Саидани узоқданми ёки яқинданми кўрганимда қандайдир бошқача бўлиб кетардим.

Аслида менинг ҳам шумлигим тутиб турарди. Бир қилғилик чиқариб, кимнидир кўрқитиб ёки кўзидан ёши чиққунича қулдириб юрардим. Лекин Саида мендан ўтадиган аскиячи эди. Ҳамма ҳам у билан ҳазиллашолмасди. Шу кундан бошлаб Саидани ўзимга рақиб деб билдим.

Уни бир сўз билан енгишга қарор қилдим. "Нима қилсам экан?"- узоқ ўйладим. Ишонсангиз озмас, кўпмас икки ой ўйлаб юрдим. Ўртоқларим менинг режамдан хабардор, уларнинг ҳам Саид Саидага нима демоқчи деган саволдан бошлари қотган.

Кунларнинг бирида отам мени ёнларига чақириб шундай дедилар: "Ўғлим, қачонгача бўйдоқ юрасан? Орзу-ҳавасинг йўқми, хотин, бола-чақа дегандай... Уйлансанг бўлмайдими?»

Ўрнимдан сакраб туриб кўчага чиқиб кетдим. Ким ҳам мендек безори бекорчи йигитга тегарди? Қизлар мени кўришса жуфтакни ростлашади-ю!!!

Шу пайт рўпарамда боши эгик келаётган Саидани кўриб қолдим. Мени кўрди-ю тўхтади. Унга яқинлашиб: "Саида, мисол учун сен менга тегармидинг-а?",- деганимни ҳам билмай қолибман денг. Бунга жавобан Саида менга шундай термулиб қолдики... "Эй Саида, Саида, сенга гапиряпман"... У карахт бўлиб қолган эди. Менинг тўсатдан берган саволимга ҳар қандай қиз ҳам шу аҳволга тушарди. Бир оз туриб: "А, ҳа",- деб юборди.- "Ростданми, алдамаяпсанми?"

Шу бир-иккита айтган сўзим билан Саидани енгдим, Саидадек гўзал қизга эришдим... У ҳам мендек тенги йўқ йигитга эришди.

**Бахриддин ҚУРБОНОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Сариосиё туман**
**Токчиён ф\х қарашли**
**"Янги қишлоқ" маҳалласи.**

# АРОҚ УРИШТИРИБ...

Танишимникида никоҳ тўйидан олдин "сабзи тўғрар" куни эди. Алоҳида стол атрофида тўй эгасининг дўсти Миршароб ака, мен, ёнимда яна бир киши ва йигит ўтирардик. Олдимизга бир шиша арақ ва пиёлалар қўйишди.

Бир пайт тўй эгаси келиб: "Нега арақ ичмай ўтирибсизлар?"-деб сўради. Биз узримизни айтгач, икки пиёлага арақ қуйди. Миршароб ака билан иккаласи: "Ёшлар бахтли бўлишсин",- деб, пиёлаларни уриштириб, арақни ичишди. Мен жилмайгандек бўлиб кўринган эканман шекилли, танишим мендан "Нега кулаяпсиз?" деб сўради. Мен ҳам тўғрисини айтиб қўя қолдим:

- Иккалангиз мусулмон бўла туриб, ёшларнинг бахтини Оллоҳдан сўраш ўрнига, гуноҳга чорловчи арақдан сўраётганларингизга кулаяпман-да. Ахир бузилаётган оилаларни саксон фоизи шу арақнинг кўрсатган "каромати"дан бўлса, қамоққа тушатиҳа ўқилаётганда дуога қўл очиб қўшилиш каби, тост айтганга тилакдошликни билдирар экан. Шундай экан, агар қадаҳлар жозибали кўриниб, бунга ўрганиб қолган бўлсак, тантанали йиғинларимизда бу одат тусига кириб қолган бўлса, пиёла, биллур қадаҳларга яхна ичимликларимизу, кўҳна чойимизни тўлдириб, эзгу тилакларимизни Оллоҳдан сўраб, уларни жиринглатиб уриштириб ичсак бўлаверар экан-да!

**Шукур ОРИПОВ,**
**тарих фанлари номзоди.**

# ПЕШОНАМДАГИ УЧМАС ТАМҒА

"Турмуш - тўрт мушт" дегани. Ҳаётнинг тўрт муштига чидаган турмуш қуради", дердилар раҳматли бувим.

Мен бугун тўрт эмас, ўн тўрт муштга ҳам тайёрман. Қани энди вақтни ортга қайтара олсам...

Ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб олийгоҳга ўқишга кирдим. Иккинчи курсга ўтганимда уйимизга совчилар кела бошлади. Мен ўқишим кераклигини айтиб рози бўлмадим. Учинчи курсни тугатгунимча совчиларнинг кети узилмади. Ҳаммасига бир хил жавоб берардим. Вақт кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Ўқишни тугатиб ишга ҳам жойлашиб олдим. Бу вақтга келиб мен билан бирга ўқиган курсдошларимнинг деярли ҳаммаси турмушга чиқиб кетишган эди.

Мен эса ўқишни деб... Энди эшигимизга мени ҳеч ким сўраб келмай қўйди. Мендан кейинги синглимга совчи келганда ўзимни жуда ёмон ҳис этдим. Назаримда худди мен бу уйда ортиқчадек эдим. Келган совчиларга ота-онам розилик беришмади. "Аввал опаси, сўнг синглисига навбат", дейишди.

Кунларнинг бирида узоқ қариндошлардан мени сўраб келишибди. Аввалига кўнмадим, чунки қариндошга турмушга чиқишни истамасдим, бунинг устига уларнинг уйлари биздан анча узоқда, шаҳарнинг чеккасида эди. Ота-онам қариндошлик ришталаримиз узилиб кетмасин, бегона эмас улар бизга, дея менинг розилигимни олишди. Тўй ҳам бўлиб ўтди.

Мен катта оилага келин бўлдим. Унга кўникишим анча қийин кечди. Чунки мен "дом"да - шаҳарда катта бўлганман. Улар эса кўпчилик, катта ҳовли, мол-ҳол дегандек...

Меҳнат таътилим тугаб, ишга бориш вақти келганда эрим шаҳарга қатнаб ишлашга қаршилик қилди. Ота-онамнинг аралашуви билан ишлашга рухсат беришди. Узоқ йўлнинг иши қийин бўлар экан. Эрта кетиб, кеч қайтаман. Келинлик вазифамни бажара олмаётганимдан жуда хижолат бўлардим. Шанба ва якшанба кунлари эса уй ишларининг ҳаммаси менга қолиб кетарди. Гўё улар мени шу йўл билан "жазолашар" эди.

Шундай кунларнинг бирида синглим меҳмонга келиб қолди. Онам мен яхши кўрадиган манти ва бир қанча ҳўл мевалардан бериб юборган экан. Буни кўрган овсинимнинг энсаси қотди ва синглимга: "Опам бу ерда оч ўтирибди, деб ўйлаб шунча йўлдан овқат кўтариб келдингизми?" - дея киноя қилиб қўйди. Синглим нима дейишини билмай: "Фақат опамга эмас, сизларга ҳам олиб келдим", - деди-ю, бир менга, бир қайнонамга қараб қўйди. Қайнонам эса ҳеч нарса эшитмагандек парво қилмай ўтирибди. Бир оздан сўнг қайнонам худди келган меҳмонга "кет" дегандек юзига фотиҳа тортиб, чиқиб кетди. Синглим узоқ ўтирмади. Мен уни кузатиб қайтиб келсам, дастурхон йиғиб қўйилган, синглим олиб келган нарсалардан ҳеч вақо қолмаганди. Ёш боладек йиғлагим келди-ю, ўзимни тутдим.

Орадан бир йил ўтгач, аввалари мени тушунадиган эрим, қайнонам анча ўзгариб қолишди. Оилада мени "квартирант келин" деб атайдиган бўлишди. Бу менга жуда қаттиқ таъсир этди. Улар менинг устимдан кулишаётган эди. Ҳатто эрим ҳам: "Хотиним кўп китоб ўқиганидан ғалатироқ бўлиб қолган", - деб гап тарқатди.

Бундай ҳаёт узоқ давом этиши мумкин эмасди. Бир куни ўзимда куч тўплаб, уйдан чиқиб кетдим. Ва қайтиб келмадим. Фақатгина бир нарсага - йўқотган соғлигимга ва бой берилган беш йиллик умримни ортга қайтара олмаслигимга афсусландим, холос.

Шу билан оилаларимиз ўртасидаги қариндошлик ришталари узилди. Турмушим бузилиб, уйга қайтиб келганимда ҳаётдан кўнглим совиб кетган эди. Юрагимга қил сиғмайди. Остона ҳатлаб кўчага чиқолмай қолдим. Шу ҳолатда икки ой уйда ўтирдим. Бир куни иш жойимдаги ҳамкасбларим кўргани келишди ва ҳали ҳам ўрним бўш эканлигини айтиб ишга чиқишимни тайинлаб кетишди. Ҳамкасбларим жуда яхши, очиққўнгил инсонлар. Ишхонада қандай вақт ўтганини билмай қоламан. Лекин уйга қайтсам, юрагим сиқилаверади. Ўзимнинг гаплари, кулишлари менга завқ бағишларди.

Нилуфар кўнглимга ўтириб қолди. Қани энди у менинг қизим бўлиб қолса-ю, ўзим уни катта қилсам...

Якшанба куни унга атаб бир қанча ўйинчоқлар ва ширинликлар сотиб олдим. Эртасига совғаларни кўрган Нилуфар жуда ҳам севиниб кетди. Бир оздан сўнг Ноила ёнимга келиб, совғалар учун миннатдорчилик билдирди. Нилуфар ҳам ёнимизда эди, у менинг юзимдан ўпиб қўйди. Шу тобда менинг ҳам меҳрим янада товланиб кетди. Уни маҳкам қучиб олдим. "Агар менинг қизим бўлсанг, бундан ҳам кўп ўйинчоқлар олиб бераман", - дедим унинг сочларини силаб. У индамай менинг гапларимга ишониб, кўзимга қараб турарди. "Ўзингиз бизга ойи бўла қолинг, демайсанми?" - деб қолди кутилмаганда Ноила.

Мен нима дейишни билмай ноқулай аҳволда қолдим. Ноила совғалар учун яна бир бор ташаккур билдириб Нилуфар билан хонамдан чиқиб кетди.

Мен ўша кундан бошлаб Ноила билан ортиқча гаплашмадим. Сабабини ўзим ҳам билмайман. Лекин ундан ўзимни нарироқ олиб юрдим. Нилуфарни эса кун сари кўргим келаверарди. Ҳамкасбларим ҳам менга ғалати қарашаётгандек эди.

Бир куни ишдан келсам, меҳмонларнинг бахтсиз, ҳа-ҳа, бахтсиз эканлигимдан дод солгим келади.

Орадан олти ой ўтгач, анча ўзимга келиб, соғлигимни тиклаб олдим, ва ҳаётга қизиқишим орта бошлади. Турмушимдан ажралганим билан ҳаёт тўхтаб қолмас экан. Ажрашган фақат менми? Бир куни тушлик пайти ҳамкасбим Ноила исмли аёл ишга қизчаси билан келган экан. Уни менга ташлаб, қараб туришни илтимос қилди. Қизчанинг исми Нилуфар экан. У билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. У жуда маҳмадона қиз экан. Бир оздан сўнг у билан дўконга бориб, музқаймоқ олиб бердим. У жуда хурсанд бўлди. Шу кундан бошлаб мен Нилуфар билан дўстлашиб қолдим.

Мен ҳамкасбларимнинг шахсий ҳаёти билан деярли қизиқмайман. Шунинг учун Нилуфарни Ноиланинг қизчаси деб ўйлаган эдим. Кейинчалик билсам, Ноиланинг янгаси оғир касалликдан сўнг вафот этгач, икки фарзанди, яъни бир ўғил, бир қизи Ноила ва ота-онасининг қўлида қолган экан. Бу гапни эшитган кундан бошлаб: "Бечора қизчанинг кўнгли ярим экан-да", дея Нилуфарни кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим.

Ноила жияни билан ишга келган куни мен учун байрам эди. Чунки Нилуфар менинг ёнимдан ҳеч кетмас, кўзимга қараб турарди. "Ўзингиз бизга ойи бўла қолинг, демайсанми?" - деб қолди кутилмаганда Ноила.

Мен нима дейишни билмай ноқулай аҳволда қолдим. Ноила совғалар учун яна бир бор ташаккур билдириб Нилуфар билан хонамдан чиқиб кетди.

Мен ўша кундан бошлаб Ноила билан ортиқча гаплашмадим. Сабабини ўзим ҳам билмайман. Лекин ундан ўзимни нарироқ олиб юрдим. Нилуфарни эса кун сари кўргим келаверарди. Ҳамкасбларим ҳам менга ғалати қарашаётгандек эди.

Бир куни ишдан келсам, меҳмонлар келишган экан. Синглимдан сўрасам: "Уларни танимадим", - деди. Ҳайрон бўлиб тургандим, ойим: "Бор, меҳмонларга чой олиб кир", - деб мени қўярда-қўймай уйга бошлаб кирди. Меҳмонларни кўриб, донг қотиб қолдим. Ноила билан бир аёл мен билан сўрашмоқчи бўлиб ўрниларидан туришди. Тўғриси, жаҳлим чиқди. Нима учунлигини билмайман. Ноила ҳамкасбим бўлганлиги учун қолаверса, меҳмон бўлиб келганлигини ўйлаб, улар билан бироз ўтирдим.

У ёқ - бу ёқдан гаплашдик. Мен улар нима мақсадда келишганини тушундим. Ноила оламдан ўтган янгасини эслаб, кўзига ёш олди. "Янгам тилла аёл эди, - дея сўз бошлади у. - Худо уни бизга кўп кўрди. Умрининг охирги ойларида ётиб қолди. Ҳеч ҳам ҳаёт билан видолашишни истамади, умидлари катта эди.

Бир куни янгамдан хабар олгани келсам, аҳволи анча оғирлигини кўриб, қўрқиб кетдим. Наҳотки... У мени ёнига чақириб: "Ноилахон, мен олтиндан ҳам азиз бўлган болаларимни сизга топширдим. Уларни ўзингиз..." - деди. Мен янгамни маҳкам қучиб олдим. "Ундай деманг, уларни биргалашиб катта қиламиз, худо хоҳласа..." Мен ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Янгам бироз тинчлангач, сўзида давом этди: "Ноилахон, сиздан илтимос, болаларим шум етим бўлишмасин. Айтишади-ку, отасиз етим гул етим, онасиз етим шум етим, деб"...

Янгам билан сўнгги суҳбатимиз шу бўлди. Икки йилдан ошаяпти, янгамнинг ўрнини боса оладиган аёл топа оламаяпмиз", - дея кўз ёшларини артиб, чуқур хўрсиниб қўйди Ноила.

Ўша кундан бошлаб, юрсам ҳам, турсам ҳам ўша болалар кўз ўнгимдан кетмади. Худди мени чақириб келаётгандек. Аввалига ота-онам ҳеч нима дейишмади. Орадан бир ҳафта ўтгач, дадам мени ёнига чақириб: "Болам, етимнинг бошини силасанг, катта савобга қоласан. Ундайларга Оллоҳнинг мукофоти тайин. Ўйлаб кўр", - деди.

Мен узоқ ўйладим. Бу орада болаларнинг отаси билан ҳам танишдим. У ёмон инсонга ўхшамади. Уйимизга ҳафтада икки марталаб келиб-кетишди. Мен ўша болаларнинг қора кўзларини деб тўйга рози бўлдим.

Мен янги ҳаёт бошладим. Болаларга қарайман, деб ишдан ҳам бўшадим. Бундан қайнонам жуда хурсанд бўлди. У аёлни иккинчи онам, десам хато қилмаган бўламан. Уларнинг самимийлиги, меҳрибонлиги, айниқса билмаган ишларимни ўргатиб, «болам-болам»лаб гапиришлари менга жуда ёқарди. Нилуфар менга жуда ҳам ўрганиб қолганди, ҳеч ёнимдан кетмасди. Лекин катта ўғли бироз инжиқроқ эди. Мендан ётсирарди. Секин-аста менга ўрганиб қолар, деб унга кўпроқ эътибор берардим. Турмуш ўртоғим четдан қараганда содда, мулойим одамга ўхшайди-ю, лекин унинг ҳам ўзига яраша характери бор экан. Аста-секин бунга ҳам кўникдим. Эрим тижорат билан шуғулланарди. Бошқа шаҳардан озиқ-овқат молларини олиб келиб, дўконларга тарқатарди. Бир ҳафта уйда бўлса, уч кун йўлда эди. Эрим уйда бўлганда мен билан ортиқча иши йўқ, ўз ишлари билан овора бўларди. Мен эса у билан гаплашиб ўтиришни, ёки у ёқ-бу ёқларга бориб айланиб келишни хоҳлардим. Чунки ҳар куни уйда зерикиб кетардим. Қайнонамни, болаларни ишга солардим, сўнг олиб борарди. Буни кўрган қайнонам: "Хотини ўлгач, шундай бўлиб қолган", - дерди. Бундан бироз тушкунликка тушиб қолардим. Биламан, мен унинг биринчи аёли ўрнини боса олмайман, лекин унинг ҳаётини давом эттириш учун, фарзандларининг бошини силайман, деб келганман. Эҳ, ҳаёт рисоладагидек бир текис ўтмас экан. Нима бўлганда ҳам мен бахтлиман. Чунки менинг оилам, фарзандларим ва фариштадек қайнонам бор. Баъзида ўйлаб, қўрқиб кетаман: "Бизнинг ҳаётимиз доим шундай тинч бўлармикан ёки..." Аввалги турмушим билан бунинг ўртасида ер билан осмончалик фарқ бор-да!

Кейинги пайтларда эрим улфатлари билан тез-тез гапларга борадиган, у ердан ичиб келадиган одат чиқарди. Буни қайнонамга айтмадим. Бир куни телефон жиринглаб қолди. Эримнинг ўртоғи экан. Ичкари уйда иш қилган одамдек бўлиб юриб, эримнинг телефондаги гапларини секингина билдирмай эшитдим. Тушунишимча, эрим ўша ўртоғи билан кеча гапда бирга бўлишган ва у ерда аёллар ҳам бўлган. Эрим ундан сўраяпти: "Кечаги зўр экан-а? Манзилини олдингми? Масза қилдик!.." Бу гаплардан тошдек қотиб қолдим. Наҳотки менинг эрим...

**(Давоми бор)**

**Назира.**
**Шоира ҲАСАНОВА**
**оққа кўчирди.**

# ҚАЛБИМИЗ ЁРУҒЛИККА ТЎЛДИ...

"Оила ва жамият" бизнинг оиламиз учун жуда қадрли. Чунки турмушимиз айнан шу газета орқали барпо бўлган. Мен жуда руҳий тушкунликка тушган, яшашга қизиқишим йўқолган пайтда таҳририятга келгандим...

Эримнинг хўрлашлари, калтаклашларидан юрагим қон бўлгани етмагандек, икки қизим билан онамнинг уйига ҳайдаб юборганида англадимки, унинг бошқа аёл билан ишқий муносабати бор экан. Тез орада у аёлни уйга олиб келиб яшаётганини эшитиб, қизларимнинг энди отасиз ўсишини ўйлаб, адои тамом бўлгандим. Бу дардлар мени кун сайин кемирарди. Ота уйимда келинларнинг қош-қовоғига қараб яшашнинг ўзи бўлмасди. Онам ишга кирсам, озроқ чалғишимни айтди ва мен кондуктор бўлиб ишлай бошладим. Айтганларидек анчагина овуниб қолдим, қўлимга пул тушди.

Шундай кунларнинг бирида автобусда бир йўловчининг газета ўқиб кетаётганини кўриб қолдим. Унда турмуш қурмоқчи бўлганларнинг эълонлари берилган экан. Синчиклаб, бу "Оила ва жамият" эканлигини билиб олдим-да, автобус "киоска"нинг олдидан ўтаётганда тушиб, шу газетани сўрадим. Кейин таҳририятга келиб, мен ҳам манзилимни бердим. Уч-тўрт кундан кейин бир инсон қўнғироқ қилиб, учрашиш нияти борлигини айтди. Унинг уч фарзанди бўлиб, аёли тўсатдан вафот этган экан. Суриштирсам, яхши бир оила бошлиғи эканлиги, киракашлик қилиб, рўзғорини боқиши маълум бўлди. Хуллас, биз бир-биримизга маъқул келдик ва турмуш қурдик. Ҳозир икки ўғлимизни уйлантириб, бир қизимизни узатдик. Бошимдан ўтган қора кунлар ортда қолди. Айниқса турмуш ўртоғимнинг кенг феълligидан, фарзандларимнинг меҳрибонлигидан суюнаман. Мен каби дили оғриган инсонлар бахтига "Оила ва жамият" газетаси борлигидан ич-ичимдан қувонаман.

**Феруза БОТИРОВА,**
**Тошкент шаҳри,**
**Юнусобод тумани.**

* * *

Бундан беш йил олдин хотинимни хиёнат устида тутиб олиб, уйдан бош олиб чиқиб кетгандим. Ўшанда ёшим 41 да эди. Бошим қотиб юрганида ишхонамдаги ўртоғим "Оила ва жамият"га қўнғироқ қилиб, маслаҳат сўрашимни айтди. Шу кундан бошлаб қалбимда умид учқуни пайдо бўлди. Мен таҳририятда "Оила" бўлимини бошқарган ажойиб инсон Тоҳир Норимовнинг (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) холис ёрдами билан Дилфузахон билан танишдим. Бу аёл туғма нуқсони туфайли ҳали турмушга чиқмаган экан. Мен жисмида кемтиги бўлса-да, қалби тоза бу аёлга уйланишга қарор қилдим. Уч-тўрт марта учрашганимдан кейин биз турмуш қурдик. Адашмаган эканман, Оллоҳ мени шу покиза аёл билан сийлаганидан хурсандман. Бунда албатта "Оила ва жамият"нинг ҳиссаси катта. Илоҳим, газета шундай савобли ишлардан чарчамасин.

**ШАВКАТ,**
**Сирдарё вилояти,**
**Гулистон шаҳри.**

* * *

Ёшим 63 да. 4 фарзандимни уйли-жойли қилганман. Узоқ йиллар ҳайдовчи бўлиб ишлаб, нафақага чиқдим. Фарзандларимнинг барчаси олий маълумотли, топармонтутармон бўлишди. Лекин чиройли ҳаёт кечириб келаётганимда аёлим узоқ йиллик дард сабаб вафот этди. Ўшанда 58 ёшда эдим. Бир-икки йил келинимнинг меҳрибончилиги, ўғил-қизларимнинг ғамхўрлиги сабаб яхши юрдим. Лекин эркакка аёлининг қарови керак эканми, оғир хаста бўлиб қолдим. Буни англаган фарзандларим у ер - бу ердан ёлғиз аёлни қидиришди. Ҳеч уддасидан чиқишолмади. Ахири келиним газетадаги эълонлардан хабар топибди. Менга кўрсатиб, таҳририятга боришимни айтдим. Эълондаги Ҳанифа номи билан чиққан аёлнинг телефон рақамини беришди. Қизим бориб, у аёл билан дилдан суҳбатлашиб, мен билан учрашишга рози қилибди. Бир бамаъни, нурли аёл эканки, кўрган заҳотим кўнглимга ўрнашди. Мана ҳозир фарзандларимизнинг эъзозида қарилик гаштини суриб юрибмиз.

**Биз бахтимизни топдик**

Қарангки, "Оила ва жамият" нафақат менга жуфт топишда, балки жуфтим орқали соғлигимни тиклашимга, кайфиятим яхши бўлишига ёрдам берди.

**НАМОЗ ота,**
**Самарқанд.**

* * *

Мен ҳозир энг эъзозли қайнона, қувончи чексиз онаман. Орзулаб ўстирган ўғлимнинг олий маълумотли, яхши мутахассис, келишган қоматли йигитлигидан суюнардим-у, келинимнинг ношуд онаси сабаб турмуши бузилганидан куюнардим. Ишонсангиз, қиз қидириб кирмаган эшигим қолмади. Ўғлимга ёққани ажрашганлиги сабаб рози бўлмади. Рози бўлгани ўғлимга ёқмади. Ахири, қўшним "Оила ва жамият"ни қўлимга тутқазди. У ердан ҳам манзилларни олиб, 5-6 ой қиз танладик. Ниҳоят жуда истарали, ширин сўз бир қизнинг манзилига борганимда, у хонадоннинг саранжомлиги, айниқса, онасининг камтарин, ақлли аёллиги кўнглимга ўтирди. Буни қарангки, қиз ҳам таҳририятга бориб, ўғлимни ёқтирганини, бошқа ҳеч кимга манзилни бермаслигини айтибди. Биз буни эшитиб, жуда суюндик ва болам қайта оила қурди. Уйимга келин эмас, фаришта кириб келди. Бунинг учун "Оила ва жамият"га минг раҳмат, дейман. Мен каби оналарнинг қалбига ёруғлик олиб киришдан ҳеч ҳам толмасин.

**Дилсора ФАХРИДДИНОВА,**
**Тошкент.**

**Ёшим 37 да.** Оддийликни ёқтирадиган, тортинчоқ аёлман. Фарзанд кўрмаганлигим сабаб ажрашганман. Кўлимда ҳунарим бор. Агар 45 ёшларгача бўлган, камтарин ва самимий инсон бахтини излаётган бўлса, манзилимни таҳририятдан олсин.

**Дилрабо, Тошкент.**

**Ёшим 21 да.** Ўрта бўйли, оппоқ қизман. Тикувчилик севимли касбим. Тушунчаси кенг, мард ва ориятли йигитни орзу қиламан. Балки уни таҳририят орқали учратарман.

**Манзилим таҳририятда.**
**Шоира, Навоий вилояти.**

**Ёшим 35 да,** фарзандсизлик сабаб ажрашганман. Онам билан ҳовлида турамиз. Баъзан эпилепсиядан ҳам озор чекаман. Ўзимга мос аёлни учратарманканман, деб манзилни таҳририятга бердим.

**Фарҳод, Тошкент.**

**Синглим 35 ёшда.** Шифокор. Битта ўғли билан неча йилки ёлғиз яшайди. Жуда босиқ, камгап аёл. 45 ёшларгача бўлган, иши, жойи тайин инсон билан танишиш нияти бор.

**Манзили таҳририятда.**
**Фароғат, Тошкент вилояти.**

**Бувам 65 ёшда.** Узоқни ўйлаб иш кўриши, сабрли ва маънили инсон бўлганлиги сабаб маҳаллада обрўси баланд. Аммо бувижоним бу дунёни тарк этгандан кейин анча сиқиладиган бўлиб қолганлигини сезаман. Бувамнинг кўнглини кўтарадиган, бизга суюкли буви бўла оладиган аёл бўлса, яхши бўларди.

**Манзилим таҳририятда.**
**Ботир, Тошкент вилояти.**

Ҳаётнинг аччиқ кунларини бошимдан кечириб яшаяпман. Чунки аёлим дунёни тарк этгач, келиним уйга сиғдирмай қўйди. Ҳозир жиянимнинг уйида яшаяпман. **Ёшим 67 да.** Агар мен каби ёлғиз аёл бўлса, унинг уйига бориб яшаш ниятим бор. Қўлимдан ҳамма иш келади.

**Манзилим таҳририятда.**
**Шавкат, Тошкент тумани.**

Бўйимнинг пастлиги сабабли тенгим чиқмаяпти. Олий маълумотли, нозикдан келган қизман. **Ёшим 24 да.** Ўзим каби олий маълумотли, зиёли оиланинг фарзандига турмушга чиқиш орзуим бор.

**Манзилим таҳририятда.**
**Доно, Тошкент.**

Эрим икки қизимни тирик етим қилиб, бошқа аёл билан Россияга кетиб қолганида дунё кўзимга тор кўриниб қолган эди. Аммо болаларимни боқиш зиммамда бўлгани учун аламимни меҳнатдан олдим. Ҳозир улар ақлини таниб 12-14 ёшга кириб қолишди. Якинда пойтахтга кўчиб келдик, уйимиз ҳам бор. Қизларимнинг меҳрга ташна кўнгилларига малҳам бўла оладиган, вилоятлик, 45 ёшгача бўлган эркак билан оила қурмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**
**Маъмура, Тошкент.**

Турмушга чиқмаганман. Олий маълумотли, қоматини сақлаб юрадиган, табиатан жиддий қизман. Моддий имкониятларим ҳам кенг. Шундай бўлса-да, мендан-да яхши имкониятларга эга тадбиркор ва ҳаётга жиддий қарайдиган, 45 ёшгача бўлган эркакка турмушга чиқмоқчиман.

**Манзилим таҳририятда.**
**Малоҳат, Тошкент.**

Ота-онамнинг бевақт ўлими сабаб синглимни тўй қилиб узатиш биз жигарларнинг ҳаёлига келмабди. Ўйлаб кўрсам, **ёши 35 дан ошган**дан кейин тенги чиқиши ҳам қийин бўларкан.

Шу сабабли 50 ёшлар атрофидаги болаларидан тинчиган инсон бўлса, овоз берсин.

**Манзилим таҳририятда.**
**Феруза, Тошкент.**

Дўстимнинг **ёши 27 да.** Олий маълумотли, ажойиб спортчи. Энг муҳими, софдил, жиддий ва сабрли инсон. Шундай садоқатли дўстимнинг қадрига етмаган аёлидан нафратланаман. Мен унга турмушини қайта бошлаш ҳақида гапирганимда, ажрашган бўлса-да, тушунган оила фарзандига уйланиш нияти борлигини айтди.

**Манзили таҳририятда.**
**Рустам, Тошкент.**

Ўғлим "оила" деган муқаддас тушунчани англамайдиган аёлга дуч келгани учун ажрашишга мажбур бўлди. Ҳозир **33 ёшда**, бўйи 182 см. Иккита институтни битирган, тайинли иш жойига эга, моддий имкониятлари етарли. Зиёли оиланинг тарбияли, олий маълумотли, давлат идорасида ишлайдиган, келишган қоматли, қизи бўлса, ўғлимни қайта уйлантириш ниятим бор.

**Манзилим таҳририятда.**
**Раънохон, Тошкент.**

Масъул лавозимли, замонавий аёлман. Қизимнинг адаси оламдан ўтгач, ишга овуниб юрдим. Аммо энди ўйласам, қизим ҳам турмуш қуриш ёшига етиб қолибди. Мен эса ёлғиз қолишдан қўрқаяпман. **Ёшим 50 да.** 60 ёшгача бўлган, келишган қоматли, олий маълумотли, фарзандларидан тинчиган эркак бўлса, танишардим.

**Манзилим таҳририятда.**
**Озода, Тошкент.**

Жиянимни орзулаб уйлантириш ниятимиз бор. Унинг **ёши 24 да.** 22 ёшгача бўлган, олий маълумотли, чиройли қиз манзилини таҳририятга қолдирсин.

**Сардор, Самарқанд.**

Бобомнинг ёши 68 да. Узоқ йиллар масъул лавозимларда ишлаб нафақага чиққан. Ҳозир биз билан кенг ҳовлида яшайди. Аммо бувим вафот этганларидан кейин бобом анча қийналиб қолди. Биз қанчалик уларнинг кўнглига қарасак-да, бир кўнгил етар аёлга муҳтожлигини сезамиз. Балки бу аёл таҳририят орқали овоз берар...

**Манзили таҳририятда.**
**Нодира, Жиззах.**

Опамни билганлар чиройли хулқли, маданиятли, олий маълумотли қизлигига ҳавас қилишади. **40 ёш**га кирса-да, ҳалигача тенги топилмади. Унинг олий маълумотли, камтарин ва босиқ табиатли, 50 га яқинлашган эркак билан топишишини истардик. Фақат у вилоятлик бўлиб, Тошкентда яшаши шарт.

**Манзили таҳририятда.**
**Нозима, Тошкент.**

Қўшнимнинг **35 ёшли** қизи бор. Ота-онаси тушунган, саранжом ва муомалали бу қизнинг турмушга чиқмаётганидан хавотирдаман. 45 ёшгача бўлган, вилоятлик бўлса-да, Тошкентда яшайдиган яхши инсон бўлса, таништириш ниятидаман.

**Манзилим таҳририятда.**
**Фарида, Тошкент.**

Қайнотамнинг **ёши 60 да.** Жуда яхши инсон. Аммо қайнонам вафот этгани сабаб ҳозир ёлғизликдан қийналаяптилар. Агар 50 ёшлар атрофидаги оқила бир аёл бўлса, алоҳида яшашга ҳам имкон қилиб берамиз.

**Манзилим таҳририятда.**
**Назира, Тошкент вилояти.**

Узоқ йиллардан бери бирга ишлайдиган опамнинг ёлғиз яшаётганига ачинаман. Унинг **ёши 45 да.** Балки унинг оиласи йўқлигига касби сабабчидир. Лекин аёл учун энг муҳими турмуш ва фарзанд эканлигини опам яхши тушунади. Балки кўнглидагидек, камтарин, маданиятли, ҳарбий инсон учраб қолар. Манзилини таҳририятдан олинг.

**Ҳулкар, Тошкент.**

Аёлим оламдан ўтгандан бери ҳаётим маъносиз ўтаяпти. Болаларим ўз жуфтлари билан бахтли. Ҳайҳотдек ҳовлида ўзимни ёлғиз сезаман. Боғдорчилик билан шуғулланаман. Соғлигим ҳам жойида. Мени тушунадиган, оддийгина, фарзанди йўқ аёл бўлса, балки яна ҳаётга қизиқишим туғилар. **Ёшим 55 да.**

**Манзилим таҳририятда.**
**Даврон, Сурхондарё.**

Аёл бўлиб эътибор, эъзоз нималигини билмадим. Чунки турмуш ўртоғим билан кўп ҳам яшамадик. Болаларимни деб ўзимни унутиб яшадим. Энди улар ўз оиласига эга. Ўйлаб кўрсам, кўнглим бир меҳрибон инсонга зор экан. **Ёшим 48 да.** 55 ёшгача бўлган, тушунчаси кенг, имкониятлари яхши, келишган инсон бўлса уни бахтли қилишимга ишонаман.

**Манзилим таҳририятда.**
**Салима, Навоий вилояти.**

**Қизим 24 ёшда.** Ҳамшира. Оқишдан келган, ўрта бўйли тортинчоқ қиз. Биз унинг ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ, тўй қила оладиган 30 ёшгача бўлган йигит билан оила қуришини истаймиз.

**Манзилим таҳририятда.**
**Мавлуда, Тошкент.**

Ишхонамиздаги қизнинг одоби, феъли барчага манзур. **Ёши 30 да.** Олий маълумотли. Ўқимишли, баланд бўйли, иши, уйи тайин, 35 ёшлардаги вилоятлик йигитни бу қизнинг тенги деб биламиз.

**Сумбула, Тошкент.**

«Оила» бўлимининг
**ТЕЛЕФОНИ: 134-25-46**

Ота-онамнинг ёлғиз фарзанди бўлганим учун меросхўрман. Олий маълумотли, қадди-қомати келишган аёлман. **Ёшим 35 да.** Ўспирин ёшдаги 2 фарзандим билан ёлғиз яшаяпман. Чунки дадасининг хиёнатини кечиролмадим. 50 ёшгача бўлган, садоқатли, тушунчаси кенг эркак бўлса, турмуш қурмоқчиман. Фарзандларимни онам билан қолдираман.

**Манзилим таҳририятда.**
**Сетора, Тошкент.**

**М. ШУКУРОВА тайёрлади.**




## ЮРАК ХАСТАЛАНСА...

Бир ош қошиқ дўлана меваси қоқиси 200 мл. қайноқ сувда қайнатилади. Қайнатмани наъматак меваси билан аралаштириб тайёрланса нафи янада ошади. 1 ош қошиқдан 3 марта ичилади. Шу билан бирга, дўланадан тайёрланган спиртли тиндирма ҳам яхши наф келтиради. Кунига 3 маҳал 20 томчидан сувга томизиб ичилади.

Саримсоқ ва лимондан тайёрланган малҳам ҳам юрак ишемик касаллигини даволашда ижобий натижа беради. Бунинг учун 1 кг. асалга саримсоқпиёзнинг ўнта бўлакчаларини майдалаб, эзилгани қўшилади. Унга 10 дона лимон шарбати қўшиб аралаштирилади ва 7 кун тиндириб қўйилади. Сўнгра, тайёр бўлган малҳамдан бир чой қошиқдан кунига 4 маҳал ичилади. Пировардида бемор ўзини яхши сеза бошлайди. Ўйлайманки, оддий усулда тайёрланадиган бундай малҳамлар бошқаларга ҳам эм бўлади.

**Тўхтабой СУЛТОНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли шаҳри**

## СОЧ ТЎКИЛСА

Кутилмаганда сочларим тўкила бошлади. Жисмонан толиққанда, асаблар чарчаганда, кайфият бузилса ҳам соч тўкилар экан. Бу ҳолда сочнинг илдизини бақувват қилувчи турли воситалардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, мен қуйидаги усулни танладим: сирка ва сувнинг тенг миқдордаги аралашмасига 100 гр. қичитқи ўт солиб, ярим соат давомида қайнатилади. Қайнатма совигач, докадан ўтказилиб олиб қўйилади. Ундан ҳафта давомида фойдаланишингиз мумкин. Эритмани бош терисига қўл билан ишқалаб қўйсангиз янада фойдали бўлади. Агар сочингиз ўта ёғли бўлса-ю, у сизни безовта қилса, унда совун ўрнига қуруқ хантал (горчица)дан фойдаланинг. Бироқ уни доимий равишда қўллаш мумкин эмас. Чунки, бунда бош териси таъсирланиб қолади.

Бир ош қошиқ ўсимлик ёғи билан 1 та тухум сариғи аралаштирилади. Аралашмани бош терисига суртиб, сочиқ билан ўраб қўйилади. Ярим соат вақт ўтгач, совун кўпигида ювиш ва юмшоқ сочиққа артиб қуритиш лозим бўлади.

**Абдураҳмон ТОШЕВ,**
**Тошкент шаҳри.**

Уч ёшли ўғлимнинг сочлари тўкила бошлади. Шунда табобат билан шуғулланадиган бир қўшнимиз воқеани эшитиб бир усулни тавсия қилди.

Даволашдан олдин соч устара билан тагигача қириб ташланадида, беш-олтита пиёз майда қирғичдан чиқарилади. Сўнг пиёз бўтқаси тоза қирилган бошга қўйилиб, сурп рўмол билан ўралади. Бу муолажани то бошдан янги қора сочлар ўсиб чиққунича ҳар куни кечқурун бир ой давомида қўллаш лозим. Шуни унутмаслик керакки, пиёз янги ҳосилдан бўлиши керак.

**Ф. КОМИЛОВА,**
**Самарқанд шаҳри.**

## ЯРАЛАРГА ШИФО БЎЛАДИ

Аъзои баданимга турли яралар чиқиб, қийналиб кетдим. Турли шифобахш ванналар қабул қилдим. Уколлар олдим. Аммо сира фойдаси бўлмади.

Кейин қўлимга бувимнинг турли маслаҳатлар ёзиб юрадиган бир дафтари тушиб қолди. У ерда чипқонни даволаш ҳақидаги ёзувни ўқиб қолдим. Бу муолажа оддийгина бўлиб, яра пайдо бўлган заҳоти ҳар куни бир бош пиёз ейиш керак экан.

Шу пайтда бўйним ва белимга яра чиққанди. Бир дона катароқ пиёзни олиб арчдим-да, худди олмани егандек тишлаб-тишлаб едим. Кейин ётиб ухладим. Эрталаб турсам оғриқлар йўқолиб, яраларим анча тузалибди. Уч кун пиёз еганимдан кейин яраларимнинг йирингги чиқиб кетиб, тузала бошлади. Шундан буён вақти-вақти билан пиёз еб туришни канда қилмайман. Бу маслаҳатим газета мухлисларига ҳам асқотиб қолиши мумкин.

**М.САФАРОВА,**
**Сурхондарё вилояти, Ангор тумани.**

Мен узоқ вақтгача битмайдиган ярага мубтало бўлган эдим. Замонавий дори-дармонлар ҳам наф бермади. Ахийри бир дўстим яраларни даволашда қуйидаги малҳам шифо бўлишини гапириб берди. Зеро, бу малҳам сизларга ёрдам бериши ҳеч гап эмас. 80 гр. асал, 20 гр. балиқ мойи, 3 гр. ксероформ кукуни (бу кукун дорихоналарда бўлади). оласиз ва уларни омухта қилиниб, тозаланган ярага суртиб, боғлаб қўйилади.

50 гр. эвкалипт баргига 0,5 литр сув солиб, 4 дақиқа дамланади. Дока орқали сузиб олингач, унга 2 ош қошиқ тоза асал қўшилади. Тайёр дамлама билан жароҳат, яралар ювилади.

**Мавлуда ҲАКИМОВА,**
**Жиззах шаҳри.**

## ТОВОН ЁРИЛГАНДА...

Ёз келиши билан товоним ёрилиб кета бошлайди. Турли хил малҳамлар сурсам ҳам ҳеч қандай нафи бўлмади. Бир дўстимнинг дориномаси билан даволандим. Мавриди келганида айтиш жоизки, аввало олдини олиш керак экан. Ҳар куни ётишдан олдин оёқ яхшилаб ювилади ва ёғли ёхуд таркибида "А" дармон дориси сақлайдиган кремлар суртиб, то терига сингиб кетгунча ишқаланади. Товон териси жуда қалинлашиб кетган бўлса, ҳафтада 2 марта иссиқ сувга ичимлик содаси ва навшадил спирти (нашатир спирти, аммиакнинг 10 фоизли эритмаси)дан қўшиб оёқ ваннаси қабул қилиш керак. Бунда 1 литр иссиқ сувга 1 ош қошиқ сода (натрий бикарбонат кукуни) ва 2 қошиқдан новшадил спирти қўшилади. Товонга салицил кислота суртма малҳамидан қўйиб боғланса, унинг қадоққа ўхшаб дағаллашиб қолган жойи юмшайди. Бунинг учун оёқ аввал яхшилаб ювилади, кейин малҳамдан суртиб устидан ёғли қоғоз ёпилади ва эрталабгача бинт билан боғлаб қўйилади. Эрталаб бинтни ечиб, қолган малҳам артиб ташланади. Кечқурун эса, ванна қабул қилинади ва дағаллашган тери пемза - жилвир тошда ишқалаб ташланади.

Агар товон ёрилган бўлса, 3-4 ҳафта давомида илиқ сувли оёқ ваннаси қабул қилинади. Бунда 1 литр сувга 1 чой қошиқ истеъмол содаси солинади. Ваннадан сўнг калий перманганот марганцовканинг оч рангли эритмаси билан ювилади.

Оёқ ваннаси қабул қилингач, 2-3 соатдан кейин товоннинг ёрилган жойларига синтомицин эмульсиясидан суртилиб, боғланади. Ҳар куни кечқурун шундай муолажа қилиб турилса, товоннинг ёрилган жойи одатда 7-10 кунда тузалиб кетади.

**Рафиқ ТУРСУНОВ,**
**Фарғона вилояти.**

## ТОШЛАР ТУШДИ

Қорнимда вақти-вақти билан оғриқлар пайдо бўлгани учун шифокорга учрашдим. У ўт пуфагимда тошлар борлигини айтди. Кайфиятим тушиб уйга қайтаётиб газета сотиб олдим. Унга кўз ташлаганимда эса буйракдаги тошларни эритиш ҳақида ёзилганини кўриб қолдим. Бу муолажа қуйидагича экан.

Бир дона турп (редька) ни қирғичдан чиқариб шарбати сиқиб олинади-да 1 чой қошиқ асал қўшилади. Аралашма эрталабгача тургач ҳар куни уч маҳал, овқатдан 30 дақиқа олдин 1 ош қошиқдан ичиш керак. Муолажани бир ярим ҳафта давом эттирдим. Сўнг шифокорга учрашиб УЗИ аппаратида текширтирдим. У ўт пуфагимда умуман тошлар йўқлигини айтди. Ушбу муолажа кимгадир қўл келса хурсанд бўлардим.

**В.ОЛИМЖОНОВА,**
**Тошкент шаҳри**

## БУЙРАКДАГИ ҚУМ-ТОШДАН ҚУТУЛИШ ЧОРАСИ...

УЗИ аппаратига тушсам, буйракда тош бор, жарроҳлик йўли билан даволаш керак, деб айтишди. Аммо мен бундан олдин бир кекса кишининг маслаҳати билан даволаниб кўрмоқчи бўлдим. Кунда бир неча маротаба ярим стакан қайноқ сувга лимон шарбати ҳамда сабзи, лавлаги ва бодринг шарбатидан ярим стакандан ичилса эм бўлади.

Бундай ўзига хос лимон шарбатини ичиб юриш билан бир қаторда ҳафтада 3 марта 60 гр. дан зайтун мойини лимон шарбатига қўшиб ичиб туринг. Иншоолло, муолажанинг 20-куни буйракдаги тош пешоб билан ташқарига чиқиб кетади.

Буйракдаги тошдан қутулишнинг қуйидаги халқона усулини ҳам қўллаш мумкин: товуқ жиғилдонидан юпқа пардасини ажратиб олиб, тозалаб ювасиз. Кейин уни яхшилаб қуритиб, майдаланади. Илк маротаба талқон тайёрлаш учун 15 та товуқ жиғилдони кифоя қилади. Талқонни шиша банкачага солиб, оғзини ёпиб қўясиз. Талқондан эрталаб таом емасдан илгари ярим чой қошиқ истеъмол қиласиз. Икки ой шундай муолажа қилинса, буйракдаги тошлар эриб, аъзои-танадан чиқиб кетади. Яна зарурат туғилса, 2-3 йилдан сўнг қайта бу тадбирни қўллаш ҳам мумкин.

Буйрак тошларини тушириш учун яна бир усул:

Шафтоли, қовун ва турп уруғларидан 24 грамм олиб туйилади ва унга 16 грамм асал, 20 грамм шакар қўшиб омухта - қоришма тайёрланади. Тайёр бўлган малҳамдан ҳар куни наҳорга истеъмол қилинади.

**Зафаржон ҲАМИДЖОНОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

## МАДОРСИЗЛИКДА ҚУВВАТБАХШ

Йилнинг тўрт фаслида киши аъзои танасида турли ўзгаришлар рўй бераркан. Айни ёз пайтида менда лоҳаслик, мадорсизлик намоён бўла бошлади. Билмадим, негадир кучли чарчаганимданми, бирор бир аъзо хасталиги боисми мадорсизлик ҳолати тарк этмади. Шунда мен олма, лимон, кашнич, ва отқулоқ ўсимлигидан тенг миқдорда олиб қайнатдим. Сўнгра ушбу малҳамдан бир ош қошиқдан таомдан олдин истеъмол қилдим. Кунлар ўтиб, ўзимни бардам сездим, мадорсизлик ҳолати йўқолди. Яна бир дориномани эътиборингизга ҳавола этаман:

Майдаланган ўрик барги, ёнғоқ мағзи ва узум майизининг ҳар биридан 400 гр. дан олиб, уларни 200 гр. асалга аралаштириб, таом олдидан 1 ош қошиқдан ейилса мадорсизликдан ҳоли бўлиб, қувват бахш этади.

**Асқар ХАЛИМОВ,**
**Олмалиқ шаҳри.**

## ҚУШДЕК УЧИБ ЮРАМАН!

Мен бир неча йиллардан буён оёқларимдаги тож томирларининг кенгайишидан азоб тортардим. Шунда табобат билан шуғулланадиган дугонамга учрашдим. У айтган усуллар билан ўз дардимга тезда даво топдим.

Аввал оғриётган оёқларимга асал босдим. Бунинг учун бармоқлар учини асалга ботириб олгач, аста-аста уриб сонимгача асал босиб чиқдим. Лекин асални суртиш мумкин эмас. Кейин сурп билан ўралади. Биринчи марта 2 соат, иккинчи марта 4 соат. Сўнг бу боғлама эрталабгача қолдирилади.

Мен оёқларим қаттиқ оғриётгани учун эрталабгача қолдирдим. Эрталаб оёқларимни илиқ сув билан ювдим. Уч марта шу муолажани бажарганимдан сўнг оёқларимда шу қадар енгиллик пайдо бўлдики, ўзимни гўё учиб кетаётгандек ҳис қилдим.

* * *

Товонларим қаттиқ оғриб босолмасдан қолганимда эса картошкани қирғичдан чиқариб эрталабгача компресс қилиб боғладим.

Бир-икки марта бу муолажани такрорлаганимдан кейин товонларим умуман оғримайдиган бўлди.

* * *

Артритда эса керосиндан фойдаландим. Бунинг учун керосинга латтани ботириб, оғриётган тиззага боғлаб қўйилади. Устидан эса қалинроқ сочиқ ўралади.Бу компрессни 30 дақиқадан 2 соатгача қўйиш мумкин. Терини жизиллатиши билан ечиб олинади-да, ўсимлик ёғи билан ўша жой уқаланади.

**С. КАМОЛОВА,**
**Чирчиқ шаҳри.**

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ ва БАСИРА тайёрлашди.

# ГУЛ СЕҲРИГА НЕ ЕТСИН!

Бир кўр момонинг ёлғиз ўғли бўлган экан. Ўғли уни ҳар куни ҳовлидаги супага олиб чиқиб ўтқазиб қўяркан. Бир куни она шундай дебди:

- Асфандиёр болам, бирам роҳатландим-ей, райҳоннинг шохини силкитиб қўйдингми, дейман?

- Ҳа, онажон,-жавоб қилибди ўғил.

- Супанинг кунчиқар томонига қора райҳон эккандим. Роса шоҳлади.

- Барака топ, ўғлим! Менга тушунтириб бер-чи, нега кунчиқар томонга экдинг?

- Унисини ўзингиз билсангиз керак, онажон. Кўзингиз кўриб турганида гулларни қандай экканини бўлсангиз, ана шундай қилиб экдим.

- Эслаб қолганингга балли-е! Сенинг бешигингни ҳар йили мана шу супага олиб чиқиб қўярдим. Райҳон ҳиди яхши ухлатади, болам. Райҳонниям, бошқа гулларниям ҳидига тўйгансан. Онам менга тўғри айтган экан. Гул ҳидига тўйган бола меҳрибон бўлади, деб.

- Қуллуқ, онажон! Тангри сизга шифо берсин!

- Ҳа, кам бўлма! Демак, мана шу супанинг атрофида етти хил гул бор экан-да? Қани уларни сана-чи?

- Йўқ, онажон. Мен ҳаммасини силкитиб чиқаман. Ҳидига қараб, ўзингиз сананг.

- Еттита гулнинг ҳидини сездим. Энди айтиб қўяй. Атиргул ҳидидан руҳинг баланд бўлади. Райҳон ҳидидан мурувватинг ортади. Чиннигул билан гулисафсар идрокни ўткирлайди. Ҳамма гулларнинг ўзига яраша зийнати бор, ўғлим. Шунча меҳрибончилигинг учун пешонанг ярқирасин, болам.

Шундай қилиб ўша момо ўғлини уйлантириш учун ўзининг мўлжалидаги хонадонга совчи жўнатаётиб, уларга шундай деб тайинлабди:

- Аввало ҳовлига эътибор беринглар. Энг камида етти хил гул экилган бўлсин. Кейин совчиликдан сўз очинглар.

Совчилар қайтишиб, момога шундай дейишибди:

- Ҳовлиси сиз айтгандан ҳам зиёда экан. Гулларнинг қирқ бир хилини санадик. Лекин қизининг жиндай нуқсони бор экан, момо.

- Қанақа нуқсони бор экан?

- Чап оёғини жиндай оқсаб босаркан.

- Ҳамма гап дилнинг равшанлигида. Ана шу қизни қўлдан чиқарманглар.

Худди момо ўйлаганидек, келин меҳр-шафқатли, истарали, саховатли инсон экан. Ўғли Асфандиёрга жуда мос тушибди. Улар гўзал турмуш қуришибди.

Дарҳақиқат, гулларнинг сеҳр ва саховати беқиёсдир. Келинг, бу ҳақда руҳшуносларнинг хулосаларига қулоқ тутайлик.

Қайси ҳовлида гуллар гуркираб, барқ уриб ўсган бўлса, бу - шу оиланинг саҳоватпешалигидан дарак бераркан. Агар гулларнинг хили қирқ бир турдан ошган бўлса, бу оилада меҳр-оқибат ҳам зиёдадир. Ана шундай оилалардан нозик дидли ва ўткир зеҳнли авлодлар етишиб чиқаркан. Чунки гуллар дилни гўзаллаштираркан.

Қарангки, ҳовлида гуллар бўлса-ю, аммо улар барқ уриб ўсмаган бўлса, бу ҳовлида аҳилликнинг йўқлигидан, диднинг ночорроқлигидан дарак бераркан. Уй қанчалик данғиллама бўлмасин, гулзорда пала-партишлик бўлса, турмушнинг ҳам пала-партишлигини билдираркан. Агар гуллар қуриб, ҳовжираётган бўлса, бу оиладан файзбарака ва аҳиллик йироқлашаётганини билдираркан.

**Рўҳият сирлари**

Ҳовлисида етти хил гул туридан ўстирган оилани мукаммал оила деб санаса бўларкан. Бу гулларнинг номи қуйидагича: атиргул, райҳон, чиннигул, гулисафсар, гултожихўроз, сунбул ва намозшомгул. Ушбу гуллар ўстирилган оилада тарбияланган фарзандларни ҳисоб-китобли, фаросатли, жиддий ва узоқни кўра оладиган, деб тасаввур қилса бўларкан. Чунки гулларнинг кўрки, ҳиди ҳар куни одамнинг дилини равшан қилиб, фикрини бойитиб, ўткирлаштириб тураркан. Ҳар бир гулнинг ҳиди инсонга ўзига хос таъсир кўрсатади. Агар тонг саҳарда яшнаб турган гулзорга кўзингиз тушса, шу куни вужудингиз тетик ва иш унумдорлигингиз 15-20 фоизга юқори бўлади. Чунки гуллар чамани одамда кучли умид уйғотиш қудратига эга. Бу умид қалбингизда осонликча сўнмайди.

Агар сиз **атиргул** ҳидини суйсангиз, бу гулни ҳидлашдан жўшқинлик, саховат, муҳаббат, меҳр-оқибат ҳиссини топасиз. Атиргул сизни ҳеч кимга тобе қилмайди. Фақат муҳаббат олдида бош эгасиз, холос.

**Райҳон** ҳиди сизга тиниқ тафаккур, раҳмдиллик, саҳийлик ҳиссини берур. Бундай ҳис қулочингизни кенг олишингиз учун муҳимдир. Оилада барча олдида масъулиятингиз юқори бўлур. Албатта кечиримли ва саҳий бўлурсиз.

**Чиннигул** ҳиди феъл-атворингизни кенг сақлашга мойиллаштирур. Жанжалли ишлардан ўзингизни четроққа олиб, муҳим ишлар тизимини қўлдан чиқармайсиз. Бундай хусусиятлар соғлигингизни бисёр сақлашда жуда муҳимдир.

**Гулсафсар** ҳиди сизнинг фикр доирангизни кенгайтиради. Уйдагиларга ва касбдошларингизга ғамхўрлик ҳисси юқори бўлур. Майдакашликка берилмайсиз. Куч ва ғайратингиз билан ҳар қандай рақибни лол қила оласиз.

**Гултожихўроз** ҳиди кучсиз, лекин унинг ҳиди қўрқоқларни ботир қилур. Олдингиздаги ғовдан осонроқ ўтурсиз. Айниқса қўрқоқ болалар гултожихўроз ёнида кўпроқ бўлишлари керак. Уларнинг мияси тозаланиб, қалби бутун бўлур.

**Сумбул** ҳиди одамнинг фикрини тиндиради ва гўзалликка ошно қилур. Кўзингизга қийин кўринган ишни қойилмақом қилиб бажаришга ҳозир бўлурсиз. Ғирромлар сизни алдай олмайдилар. Ёрингизни қаттиқ севасиз.

**Намозшомгул** ҳиди алғов-далғов фикрлар пўртанасини тиндириб, муҳим ишларни номуҳимларидан осонроқ фарқлаш имконини беради. Қалбингизда янги ниятлар пайдо бўлади. Ўзингизни катта ишларга бахшида қила бошлайсиз.

Ҳеч бўлмаганда ҳовлингиздан гулларнинг юқоридаги етти тури ўрин олмоғи керак. Уларни гуркиратиб ўстиринг ва нонуштани, кечки овқатни ана шу гулларга яқинроқ жойга кўчиринг. Гуллар айниқса эрталаб ҳамда оқшомда кучли ва фойдали ҳид таратади. Гул берган завқни сиз бошқа ҳеч нарсадан ололмайсиз.

Бу масалада тадқиқотчиларнинг фикри ҳам худди ана шундай. Гул экилмаган хонадонларда яшовчиларнинг муомаласи сунъийроқ, ишончсизроқ бўларкан. Бундай одамларда ихлос ва муҳаббат бўлмас экан. Ўзларига фойдаси тегадиган одамлар билан бошқача, фойдаси тегмайдиганлар билан бошқача муомала қилишаркан.

Қарангки, совчиликка келганда дабдабали уйга ёки "Мерседес" машинасига эмас, балки ҳовлида ўстирилган гулларга қараш керак бўларкан. Уй эгасининг маънавий қиёфаси ана шунда равшан кўринаркан. Гул сеҳрига не етсин!

**Комилжон НИШОНОВ**

**Истиқлол илҳомлари**

## ТУМОР АЙЛАЙ ЯПРОҒИНГНИ

*Ватан недир? Кўнглим менинг,*
*Онам менинг - мунглим менинг,*
*Мушфиққина сингилим менинг!*
*Дил қаърида нурсан, Ватан,*
*Қуёш каби ҳурсан, Ватан.*

*Дилимдаги зорим бўлдинг,*
*Тоғим бўлдинг, орим бўлдинг,*
*Инжум, ганжим, борим бўлдинг,*
*Жаҳолатга берксан, Ватан,*
*Менинг учун эрксан, Ватан.*

*Осмонларинг ойдин-ойдин,*
*Зилол сувинг аъло майдин,*
*Бундай юртни топай қайдин?*
*Томирдаги қонсан, Ватан,*
*Вужуддаги жонсан, Ватан.*

*Булоқлардек меҳринг бордир,*
*Оппоқ тонгдек сеҳринг бордир,*
*Дилда ўчмас муҳринг бордир,*
*Менинг учун улуғ Ватан,*
*Бағри нурга тўлуғ Ватан.*

*Тумор айлай япроғингни,*
*Кўзга суртай тупроғингни,*
*Асрай чаман, боғ-роғингни,*
*Мен туғилган ерсан, Ватан,*
*Гулшодага шеърсан, Ватан!*

## ЎЗБЕКЛАРДАН ЎРГАНИНГ

*Ўзбекистон тупроғи мармарлардан яралган,*
*Сутдек ойдин тунлари қамарлардан яралган,*
*Пахтазор майдонлари, ғаллазор хирмонлари,*
*Беқиёс имконлари самарлардан яралган.*
*Манглайида маржон дур, тер эмасдир кўрганинг,*
*Ерни тавоф этишни ўзбеклардан ўрганинг.*

*Саҳрога жон бахш этган Фарҳодлари бор юртнинг,*
*Гўзалликни нақш этган Зуҳролари бор юртнинг,*
*Илму фан чўққисидан юлдузга нарвон қўйган*
*Беруний, Улуғбекдек даҳолари бор юртнинг.*
*Қандай завқли фалакка боқиб ўйлар сурганинг,*
*Юлдузлар кашф этишни ўзбеклардан ўрганинг.*

*Маҳаллалар кўркидир нуроний отахонлар,*
*Хонадонлар файзидир муниса онахонлар,*
*Шулар сақлаб юришар юртимизнинг шаънини,*
*Қадр топиб қарилик, омон юрсин ҳар жонлар.*
*Муборак бўлсин, юртдош, ҳиммат ила юз бурганинг,*
*Дилни обод этишни ўзбеклардан ўрганинг.*

*Меҳмонгадир уй тўри, мулозамат жон қадар,*
*Сағирларга қалб кўри, ичса ҳам ёвғон қадар,*
*Отага тик боқмагай, ўпар она пойини,*
*Ўзи емай бировга нон тутар имкон қадар,*
*Олам аҳли унутмас адолатда турганин,*
*Ҳақ йўлини тутишни ўзбеклардан ўрганинг.*

Гулшода ҚУРБОНОВА

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11087
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5 6